F-30297

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

28 январь, сешанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 20 (1537)

«ЎЗБЕКИСТОН -- ШАРАФИМСАН, ШОНИМСАН»

Ўзбекистон -- кўп миллатли мамлакат. Бу ерда 120дан зиёд миллат вакиллари ўзаро аҳил-иноқ яшаб келмоқдалар. Зеро, уларнинг барчаси миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлидир.

Албатта, ўлкамизнинг барча ёшлари Ўзбекистонни ўз Ватанлари, деб биладилар ва унинг буюк келажаги йўлида ғайрат кўрсатмоқдалар.

Шундай экан, ёш авлодни Ватанимиз тарихи ва миллий қадриятларимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш катта аҳамият касб этади. Куни кеча «Камолот» жамғармаси бошқаруви билан республика байналмилал миллий-маданий маркази биргаликда ўтказган «Ўзбекистон -- шарафимсан шонимсан» кўрик-танлови ана шу мавзуга бағишланди. Тарих ва тақдиримиз, мамлакатимизнинг Асосий қонуни, соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид саволлар бўйича ўтказилган баҳсларда қозоқ, уйғур, татар, корейс, немис ва рус миллатига мансуб йигит-қизлар ўзларининг билимдонликларини намойиш этишди.

Шуниси эътиборга лойиқки, қизиқарли ўтган ушбу мусобақа иштирокчилари ҳар бир саволга зўр қизиқиш билан жавоб қайтардилар. Тадбир давомида турли миллатларнинг дўстлик ва тинчликни тараннум этувчи куй-қўшиқлари янграб турди.

Гафур ШЕРМУҲАММАД,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

27 январь куни республика Президенти Ислом Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасида йиғилиш бўлди. Унда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, 1996 йил якунлари ва 1997 йилдаги бу борадаги устувор вазифалар муҳокама этилди. Мажлисда тегишли вазирликлар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги соҳасига мутасадди ўринбосарлари, бир қанча жамоа, деҳқон (фермер) хўжаликлари раислари, тадбиркорлар иштирок этди.

Биз бугун қишлоқ хўжалиги соҳасида 1996 йил якунларини кўриб чиқишимиз, улардан керакли хулосалар чиқариб, жорий йилда ана шу камчиликларнинг такрорланмаслиги учун ҳаракат қилишимиз лозим, деди Ислом Каримов. Бу гап айниқса қишлоқ хўжалик соҳаси учун тегишлидир. Чунки қишлоқ хўжалигида ўтказаётган ислоҳотларимиз кутилган натижани бермаса, умумиқтисодиётда ўзгаришга эришиб бўлмайди. Зеро, бизнинг ризқ-рўзимиз қишлоқ билан боғлиқ, саноат корхоналаримизнинг кўп қисми қишлоқларда етиштирилган хомашё асосида ишлайди. Агар халқимизнинг 65 фоизи қишлоқ жойларда яшашини назарда тутсак, масаланинг нечоғли муҳимлиги янада ойдинлашади.

Шуни тан олишимиз керакки, ҳозирча қишлоқда ўтказилаётган ислоҳотлар йўлида муайян тўсиқлар, бу ишларни ривожлантириш борасидаги камчиликлар мавжуд. Хусусан, мулк шаклини ўзгартирган деҳқон (фермер) хўжаликларига, хусусийлаштирилган фермаларга ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида изчиллик етишмаяпти. Уларга етарли миқдорда ер ажратиш, айланма маблағларини ҳосил қилиш учун кредит бериш, техника ва ўғит билан таъминлаш, етиштирган маҳсулотларини сотиш каби масалаларда вазирликлар ва бошқа ташкилотлар ҳамда ҳокимликлар яқиндан ёрдам беришлари керак. Қишлоқ ҳақида қайғуриш барчанинг иши бўлмоғи зарур, деб таъкидлади Президент.

Бизда ҳақиқий фермерлар, мулк эгалари, тадбиркор хўжалик раҳбарлари камлиги сезилади. Шунинг учун ҳам янгича фикрловчи одамларни аниқлаш, уларга масъулиятли вазифаларни ишониб топшириш лозим. Чунки қобилиятли кадрлар ҳар қандай жамиятнинг олтин фонди ҳисобланади. Уларнинг изланишлари, меҳнатларисиз жамиятнинг тараққиётга эришиши секин кечади.

Қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, мулк ва ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш, қўшимча иш жойлари ташкил этиш орқали қишлоқ хўжалигида ишловчилар сонини камайтириш ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор йўналишлари бўлиши лозим. Бундан ташқари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан химия, агросервис, қайта ишлаш ва тайёрлов ташкилотлари ўртасида ўзаро манфаатдорликни таъминлаш ҳам муҳим вазифадир. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятига аралашиш, уларга тазйиқ ўтказиш, таъмагирлик ва тўраларча муносабатда бўлишнинг ҳар қандай кўринишларига қатъий барҳам бериш даркор, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Мажлисда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Қ. Обидов кун тартибига қўйилган масала юзасидан ахборот берди. Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги «Сарабий» деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмаси раиси Й. Авезниёзов, Хоразм вилояти Боғот туманидаги «Боғот» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Қувақов, Ҳонқа туманидаги «Ғалаба» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси Ў. Абдуллаев, Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги «Намуна» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Ҳамроев, Наманган вилояти Уйчи тумани О. Мўминов номидаги жамоа хўжалиги раиси Р. Исматуллаев, Сурхондарё вилояти Денов тумани С. Раҳимов номидаги жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони И. Файзуллаев, Тошкент вилояти «Муқимий» хусусий чорвачилик фермаси бошлиғи М. Эрхўжаев, Фарғона вилояти Бешариқ тумани агрофирмаси раиси А. Абдуназаров, Қашқадарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Каримов ва бошқалар сўзга чиқиб, ислоҳотларни амалга ошириш борасида жойларда тўпланган тажриба, бу йўлдаги тўсиқ ва муаммолар хусусида батафсил тўхталдилар.

Мажлисда республика Бош вазири Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

СУРАТДА: йиғилиш пайти.

А. ТЎРАЕВ олган сурат.

«ОЗОДЛИК» РАДИОСИНИНГ ЎЗБЕК ШЎЪБАСИ ХОДИМЛАРИ БИЛАН СУҲБАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Чехия Республикасига расмий ташрифи давомида Прагада фаолият кўрсатаётган «Озодлик» радиоси ўзбек шўъбасининг ходимлари билан учрашди. Қуйида шу суҳбат матнини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Мухбир: Чехия Республикаси Президенти В.Гавел таклифига биноан 14-16 январь кунлари Прагага ташриф буюрган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 15 январь куни кечқурун «Озодлик» радиоси ўзбек шўъбасининг бир гуруҳ ходимларини ўзи меҳмон бўлиб турган Лихтенштейн саройига таклиф этди. Аввалambor, «Озодлик» радиоси раҳбарияти, жумладан, ўзбек шўъбаси ходимлари Президент жаноблари билан учрашиб, улар билан қатор масалалар юзасидан фикр алмашишини «Озодлик» радиоси, демакки, у тарғиб ва ташвиқ қилаётган улуғ мақсад ва ғояларга кўрсатилган эътиром белгиси, дея баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон Президенти билан бир пиёла чой устида ўтган мулоқотимизни самимий ва эркин дейиш муболаға бўлмас. Зотан, суҳбат давомида иштирок этганларнинг барчаси учун бирдай азиз ва қадрли бўлган юрт - Ўзбекистоннинг бугуни ва эртаси ҳақида сўз борди. Айтиш керакки, биз Президент жаноблари билан қарийб икки соат давом этган суҳбатимизнинг ўзаро мулоқотдан бутун халқ эътиборига тақдим этиш мумкин бўлган мавзуларга ўтиб кетганини сезмай ҳам қолдик. Шу боис стол устида турган магнитофон тугмачасини вақтида босишни ва суҳбатимиз аввалидаги айрим саволларимизга Президент Ислом Каримов билдирган жиддий мулоҳазаларни магнит лентасига ёзиб олишни ҳам унутиб қўйдик. Шу боис мазкур мулоқот ҳақида тугал тасаввур ҳосил қилиш учун суҳбатимиз аввалида тилга олинган айрим мавзулар ҳақида қисқача фикр юритишга тўғри келади.

Ўзбекистон Президенти билан мулоқотимиз бошланишида Ўзбекистон ва «Озодлик» радиоси ўртасидаги ҳамкорлик, хусусан, биринчи манбалардан маълумот олиш масалалари ҳақида сўз борди. Шу ўринда шўъбамиз директори Ёқуб Турон «Озодлик» радиосига берилган ҳар қандай маълумот ушбу кўпмиллатли ахборот тармоғининг 23 тилдаги эшиттиришлари орқали дунёнинг каттагина қисмига тарқалиши ва ўз-ўзидан ушбу ҳудудларда Ўзбекистон давлати ва ҳукумати олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат ҳақида тўғри тасаввур ҳосил бўлишига имкон яратажагини алоҳида таъкидлади. Қолаверса, Ёқуб Турон «Озодлик» радиосига берилган маълумотлар тез фурсат ичида радиодан бевосита тегишли бўлган АҚШ Конгрессига, шунингдек давлат департаменти, Оқ уй ва Американинг бошқа қатор нуфузли расмий идораларига етиб бориши ва бу ахборот уларнинг Ўзбекистон ва унинг манфаат-муаммоларидан мунтазам огоҳ бўлишларини таъминлашини ҳам айтиб ўтди. Бу хусусда айтилганларга муносабат билдирган Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда демократик ва очиқ жамият барпо этиш йўлидаги қарори қатъий бўлган республика раҳбарияти халқаро оммавий ахборот воситалари, жумладан, «Озодлик» радиоси билан ҳар жиҳатдан, биринчи галда эса уларни ахборот билан таъминлаш борасида ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини таъкидлаб, бир қатор конкрет таклифларни ўртага қўйди. Суҳбат мавзуи Ўзбекистондан маълумот олиш масаласига бурилгани боис биз ҳам бу хусусдаги айрим мулоҳазаларни Президент Ислом Каримов билан ўртоқлашишга қарор қилдик. Шу ўринда Президент жанобларига қуйидаги савол билан мурожаат этдик.

- Ҳурматли Президент жаноблари, Ўзбекистонда Президент даражасига чиқишга муваффақ бўлинса, ҳар қандай саволга жавоб топиш ва ҳар қандай воқеа-ҳодисага нисбатан муносабатни билиш мумкин. Бироқ ҳокимиятнинг пастки бўғинларига тушган сари бу иш оғирлашиб боради, ҳатто имконсиз ҳолга айланади. Нимага шундай? Ахир Ўзбекистонда ёки халқаро майдонда содир бўлаётган ҳар бир воқеа, ҳар бир ўзгариш хусусида давлатнинг олий даражали бошлиғига мурожаат қилишнинг иложи йўқ. Президентнинг бунга вақти ҳам йўқ-ку. Республикада ҳар соҳанинг ўз мутасаддилари бор. Нега улар у ёки бу саволга жавоб бериш ёки муносабат билдиришдан ўзларини олиб қочадилар? Шу ерда шахсан ўзим гувоҳ бўлган бир мисолни айтиб ўтиш мумкин. Ўзбекистонда ўтган йил ноябрь ойида миллий сўмни эркин муомаладаги валютага алмаштиришни чеклаш ҳақидаги фармон муносабати билан Ғарбда турли-туман фикрлар билдирилди. Ана шу шароитда «Озодлик» радиоси бу фармонга атрофлича шарҳ беришни, юзага келган вазиятга ойдинлик киритишни сўраб, Ўзбекистондаги бир эмас, бир неча тегишли идораларга мурожаат қилди. Бироқ бу мурожаатлар натижасиз қолди ва вазиятга яна фақат Сиз, яъни республика Президентининг ўзигина ойдинлик киритмагунча, аксарият саволлар ҳам жавобсиз қолди. Мана, Сиз Ўзбекистондаги ислоҳотлар суръатини жадаллаштириш, республикада очиқ ва эркин жамият барпо этиш фурсати келганини қайта-қайта таъкидлаяпсиз. Аммо қуйида аҳвол бундай. Бунинг сабаблари ҳақида нима дейиш мумкин?

(Давоми 2-бетда).

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Тожикистон Бош вазири Яҳё Азимов 27 январь куни Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар, жумладан, транспорт, коммуникация ва йўл хизмати соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар сўнгида ҳар икки мамлакат Бош вазирлари Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида 1997 йилда юк ташиш, газ етказиб бериш ва алоқа хизмати бўйича ўзаро тўловлар ҳақидаги ҳукуматлараро битимни имзолади.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари К. Раҳимов, Р. Юнусов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Битимни имзолаш маросимида Тожикистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Тожиддин Мардонов ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ЮКСАК МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг фармонига мувофиқ яқинда мамлакатимиздаги корхоналар ва қурилиш ташкилотларининг бир гуруҳ ишчилари ва хизматчилари давлат аҳамиятига молик талайгина муҳим иншоотларни қуриш ва таъмирлашдаги улкан хизматлари, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун Ватаннинг юксак орден ва медаллари, фахрий унвонлари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган эди.

25 январь куни Вазирлар Маҳкамасида ана шу мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди. Мукофотларни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков топширди.

Мукофотланганлар камтарона меҳнатлари юксак қадрланганлиги учун Президентимиз ва ҳукуматимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Маросимда республика Бош вазирининг ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов қатнашди.

(ЎзА).

«АЁЛ ВА САЛОМАТЛИК»

Бухорода «Аёл ва саломатлик» мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда хотин-қизлар, оналар ва болалар саломатлигини ижтимоий муҳофаза этишда жойларда хотин-қизлар қўмиталари олиб бораётган ишлар ва бу борадаги муаммолар атрофлича муҳокама қилинди.

Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова семинар-кенгашда сўзга чиқди.

Анжуманда Бухоро вилояти ҳокими С. Ҳусенов қатнашди.

(ЎзА).

БУГУННИНГ ГАПИ

... ИСЛОҲОТ ОЛҒА БОСАВЕРАДИ

«Ислоҳот ислоҳот учун қилинмайди, ислоҳот номига қилинадиган иш эмас, ҳар қандай ислоҳот биринчи навбатда инсон манфаатларини кўзлаб, ҳаётимизни янги босқичга кўтариш учун амалга оширилади».

Ҳар сафар мамлакатимизда бошланган иқтисодий ислоҳотлар қандай бораётгани, амалда нималарга эришилаётгани ҳақида мулоҳаза юритганимизда Президентимизнинг ушбу гаплари ёдимизга келади. Зеро ислоҳотлар иккинчи босқичининг, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги одимлари энг эзгу ниятимиз бўлмиш -- ёруғ кунларга албатта етажагимиздан далолат бермоқда. Бу ҳақда гап борганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фаровон ҳаёт қуришдек эзгу мақсадга эришиш учун иқтисодий ислоҳотнинг аввало қишлоқдан бошланганлиги энг тўғри йўл бўлди. Негаки, Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқ жойларда яшаб меҳнат қилади.

Собиқ колхоз-совхозлар ўрнида ташкил этилган ижара, ширкат хўжаликлари, деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмалари, пай-ҳиссадорлик жамиятлари, халқ корпорациялари каби янгича қишлоқ хўжалик тузилмалари ўз афзаллигини амалда кўрсатмоқда. Муҳими шуки, энди оддий деҳқон мулк, ишлаб чиқариш воситалари нима эканлигини, у кимнинг тасарруфида бўлиши зарурлигини англаб етмоқда. У ўзини ҳақиқий мулкдордек ҳис қила бошлади, ўзи етиштирган маҳсулотига ўзи эгалик қила бошлади. Мулкка эгаликнинг шўролар давридаги «биэники» шакли ўрнини «меники» шакли эгалламоқда. Ҳозир республикада жами қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 70 фоиздан кўпроғини хусусий сектор, яъни давлат тасарруфидан чиқарилган хўжаликлар етиштириб бераётганлиги мулкий муносабатнинг бозор муносабатларига ана шу тарзда мослаб ўзгартирилгани шарофатидир.

Қишлоқ хўжалигида бошланган ислоҳотлар қишлоқ мулкдорларини юзага келтира бошлади. Чунончи, Юқори Чирчиқ туманидаги «Дўстлик» пай-ҳиссадорлик жамияти пайдорлари ўзларини ҳақиқий мулкдор деб ҳис этмоқдалар. Колхоз даврида мулк умумий, меҳнат ва даромад умумий, ҳатто тақсимот умумий бўлса, энди аҳвол бутунлай ўзгарди. Ҳар бир пайчи ўзига ажратилган ернинг эгаси. Йил давомида қилган меҳнати ҳам, сарф-харажати ҳам алоҳида ҳисоблаб борилади. Пировардида етиштирган маҳсулотининг тўғри ва сифатига яраша даромадга эга бўлади. Яъни тўғри маънода «ҳар ким экканини ўраяпти». Натижа эса бошқа хўжаликлардагига нисбатан анча юқори. 1996 йил якунлари бўйича ҳар бир пайчининг ўртача йиллик даромади 100 минг сўм атрофида бўлди. Ана энди уларнинг ойлик иш ҳақларини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг.

Ислоҳотлар жараёнида вужудга келган яна бир янгича тузилма -- халқ корпорациялари ҳам бутунги ўтиш даври учун айнан мос эканлигини амалда исботлади. Масалан, Қуйи Чирчиқ туманидаги А. Навоий номли ва Паркент туманидаги «Бойқозон» халқ корпорацияларида «техника, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш ашёлари қимматлашиб кетди, қурбимиз етмайди» ёки «фалон пайтдан бери иш ҳақимизни ололмадик» қабилидаги ташвишу муаммолар йўқ энди. Бойқозонликларнинг қозонлари ҳам, чўмичлари ҳам мой. А. Навоий номли халқ корпорациясида эса далада ишлайдиган оддий меҳнатчининг ойлик даромади 20 минг сўмдан кам тушмайди. Айримлар ишонмаслиги мумкин, лекин бу бор гап.

Қишлоқдаги ислоҳотларнинг яна бир шарофати шуки, Ўзбекистонда ҳам ҳадемай, ривожланган мамлакатлардаги росмана фермерлар билан тенгма-тенг беллаша оладиган деҳқон-фермерлар етишиб чиқаётир. Ҳозир Бўка туманилик фермер Баҳром Пайшанов ҳар йили давлатга сотаётган гўшт-сутни бир қатор жамоа хўжаликлари ҳам етказиб беролмаётир. Поп туманилик Отабек Фаёзов ўзининг «Тулпор» фермер хўжалигини тузганда 30 бош қорамоли бор эди. Бугун эса моллари 800 бошга, экин майдони 60 гектарга етди. Йилига 30 тоннадан ошириб гўшт тайёрлаяпти. Энди эса хусусий гўшт комбинати қуриш ниятини амалга ошириш режасини тузиб юрипти. Ўзбекистон туманидаги «Умид» фермер хўжалиги бошлиғи Имомали Назаров эса бундай умидини аллақачон рўёбга чиқарган. Гўшт-сутни қайта ишлаб, туман аҳолиси эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилаяпти.

Бироқ афсуски, ислоҳотнинг туб моҳиятини ҳанузгача тўла тушуниб етмаган ёки бунга атайлаб истамаётган, ўрта бўғинлардаги кўпгина раҳбарлар янгиланиш, ривожланиш жараёнларига тўғаноқ бўлаётирлар. Расмиятчилик, кўзбўямачилик, боқимандалик иллатига берилган раҳбарлар давлат мулкини номигагина, яъни ҳисоботлар учун жамоа, ширкат, ижара, ҳиссадорлик ва хусусий мулкка айлантирмоқдалар, фермерлар сонини сунъий кўпайтирмоқдалар. Бунинг устига уларга унумсиз, тошлоқ, ташландиқ ерларни беришади-да, фермени атайлаб ёмонотликка чиқармоқчи бўлишади. Ачинарлиси шундаки, бундай нопок кимсалар асосий меҳнаткаш оммaнинг ислоҳотларга нисбатан ишончини шубҳа остига қўйиши, ташаббус ва интилишдан совутиши мумкинлигини дўпписини олиб қўйиб, чуқур ўйлаб кўришларини истардик.

Мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ислоҳотлар шундай инқилобий жараёнки, у йўлида учрайдиган ҳар қандай сунъий тўсиқларни аста-секин четга суриб, олға босаверади, асло ортга қайтмайди. Ислоҳотларнинг маҳсули бўлган янгича қишлоқ хўжалик тузилмалари ва, айниқса, биринчи қалдирғочлари бўлмиш фермерлар бундан буён ҳар тоифа амалдорларга ялиниб-эланиб эмас, балки Президент фармонлари ва давлат қонунларидан мадад олиб, иш юритаверадилар, ҳам ўзларини, ҳам юртни бойитадилар.

А. ЙЎЛДОШЕВ.

«ОЗОДЛИК» РАДИОСИНИНГ ЎЗБЕК ШЎЪБАСИ ХОДИМЛАРИ БИЛАН СУҲБАТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биз билдирган мулоҳазаларга жиддият билан қулоқ солган жаноб Ислом Каримов ўз сўзини Президент ҳузурида Ахборот маркази ташкил этилгани ва бундан сўнг Президент сиёсати билан боғлиқ барча саволларга ана шу марказ жавоб беражагини маълум этиш орқали бошлади. Суҳбатимизнинг бундан кейинги қисми магнит лентасига тушгани сабабли уни ўзингиз ҳам тинглашингиз мумкин. Марҳамат.

- Сизнинг саволингизга жавоб шундайки, бу Марказ нима учун ташкил қилинди? Авваламбор Президентнинг сиёсати тўғрисида кимдадир қандайдир саволлар пайдо бўлар экан, мана шу марказга мурожаат қилиб жавоб олиши, худдики Президентнинг ўзи жавоб бергандек, масъулиятли жавоб олиши мумкин бўлади. Ҳаммадан сўрайверинг. Нега деганда бизларда қўрқинч бор, вазир бўлса ҳам, ҳоким бўлса ҳам бу одамлар ўзидан қўрқади. Совет даврининг тарбиясини олган, менга ортиқча масъулият керак эмас, менга тинчлик керак, деган бизда шундай одат бор. Шунинг учун бундай воқеалар кўп бўлади. Ҳокимлар саволларга жавоб беришга қўрқади, жойларда сўрасангиз, улар ё қандайдир мужмал жавоб беради, ё мутлоқо жавоб бермайди. Биз бу ярамас одатдан воз кечишимиз керак.

Бизда ташқи сиёсатимиз ҳақида ахборот тарқатувчи «Жаҳон» деган ахборот идораси тузилган. Улар ҳам масъул одамлар. Бизда берилган саволларга масъулиятни тушуниб жавоб берадиган одамлар, мухбирлар пайдо бўлмоқда. Президент сиёсати ҳақида, мана, жумладан, конвертация тўғрисида сўраяпсиз. Мана шу марказ саволларингизга жавоб беришга мажбур. Қандай жавоб беради - бу ўзининг иши. Конвертациянинг жиддий масала эканлигини чуқур англаб, тушуниб, эътибор билан жавоб берадиган бўлса, яхши. Саёз жавоб берса наилож, лекин савол жавобсиз қолмаслиги шарт.

Сиз айтган ҳодисалар бизда ҳали-ҳануз учраб туради, мен буни сизга очиқ айтишим керак. Бу - эски иллатларнинг бугунги асорати. Афсуски, баъзи одамларни уйғотиш қийин бўляпти. Биз бошимиздан кечираётган ҳозирги давр шундайки, барчамиз ёшларга умид боғлаш мумкин. Менинг асосий ишончим - ёшлар.

Вазият шуни тақазо этгани учун биз бир вақтлар совет даврида тарбия олган, совет даврида тақдирланган одамларни ҳам турткилаб четга чиқариб қўйганимиз йўқ. Уларнинг тажрибаси, имкониятларидан фойдаланишга мажбур эдик. Уларни ишдан ҳайдасангиз, хўш, ўрнига кимни қўясиз? «Мен демократиячиман, ишни қойил қиламан», деган одамларни тегишли тайёргарликсиз, тўсатдан, айтайлик, кўчадан чақириб келиб, лавозимга ўтқазиб қўйиш билан ҳеч нарсага эришиш мумкин эмас. Шунинг учун, мана, беш йилдирки, эски замон кишиси эканлигини, қотиб қолганини, эски одатларга ўрганиб қолганини билатуриб, барибир улар билан ҳамкорлик қилишга мажбур бўлдик. Мана энди ёшлар ўзимизда ҳам, чет элларда ҳам тарбия олишяпти. Ёшлар ўзларини кўрсатадиган пайт келди.

Яқинда Ахборот марказида ишлайдиган ёшларни чақириб, озгина танбеҳ беришга тўғри келди. Бир томонга эски замондан чиққанларни, уларнинг рўпарасига ҳозирги ёшларни ўтқазиб қўйдим. «Мана бу одам совет даврида, партия ташкилотида ишлаган, сизларнинг эса эски тузум билан боғлиқ жойларинг йўқ. Ўзимга яқин олиб, сизларга барча шароитларни яратиб бердим. Бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлашга тайёрман. Нега курашмайсизлар, нега масъулиятни зиммаларингга олишдан чўчийсизлар, нега ҳаракат қилмайсизлар», деб уларни койидим.

Биз ҳозир ёшларни масъул ишларга, ҳокимият тизимларига тортяпмиз. Саволингизга мана шундай жавоб беришим мумкин. Бошқа имконият ҳам, тайёр одамлар ҳам йўқ. Ёшларни кўпроқ масъул ишларга жалб этиб, керак бўлса, қийинчиликларда тоблаб, уларни Ғарб андозаларига жавоб берадиган қилиб тарбиялашга ёрдам берсангиз, бу бизга катта ёрдамингиз бўлади. Шароит яратиб бериш қийин эмас, лекин ҳайрон бўласанки, икки хил муҳитда тарбия олган одамларни матбуот конференциясида бирга ўтқазиб қўйиб фарқини дарров сезиш мумкин. Савол беришиданоқ маълум: силлиқ саволига ўзи силлиқ жавоб беради - қўяди. Сизга ўхшаган ҳақиқатни қидирадиганлар эса шундай савол берадики, мен ҳақиқатни айтишга мажбур бўламан. Демоқчиманки, савол бериш учун ҳам савия, катта тайёргарлик керак.

- Шу ўринда суҳбатимиз йўналиши журналистлар ва Ўзбекистондаги матбуот муаммоларига келиб тақалгани боис Президент Ислом Каримов «Демократик ва эркин матбуот қандай бўлмоғи лозим?» деган саволга ҳам жавоб бериб ўтди. Бу ҳақдаги мулоҳазалар эса қуйидагича ва улар бугун, Президент таъбири билан айтганда, Ўзбекистондаги ҳамон ухлаётганларнинг кўзини очишга ва бу ҳақиқатни қарор топтиришга киришишларига туртки бўлса, ажаб эмас.

- Демократия, демократиянинг асосий шарти бўлмиш матбуот эркинлигини таъминлаш, умуман матбуот ҳақида менинг фикрим шундай: жамоатчиликнинг, халқнинг ҳокимиятга нисбатан, Президентга нисбатан, умуман мансабдорларга нисбатан билдирган фикрини ифодаловчи матбуотгина демократик матбуот ҳисобланади. Одамларда ҳар хил фикр бўлиши табиий: ҳокимият биттасига ёқади, биттасига ёқмайди. Биттасининг хафачилиги бор, биттасининг аламзадалиги, биттасининг норозилиги, биттаси нима исташини ўзи ҳам билмайди. Матбуот буларнинг ҳаммасини ифодалаб бериши керак. Ўн хил, юз хил фикр бўлса ҳам ҳаммасини бериш керак, шунга биз чидашимиз даркор. Ана ўшандагина матбуот демократик матбуот бўлади. Менинг қўрқадиган жойим шундаки, баъзи бир жойларда матбуот буюртма бўйича ишлайди. Кимнидир йўқотиш, кимнидир пайига тушиш, кимнидир обрўсизлантириш ва шу йўл билан тирикчилик қилмоқчи бўлганлар йўқ эмас. Бу ҳам ўтиш даври касаллиги, ўтиб кетади. Лекин яна бир бор айтаман, ҳаммасига вақт керак.

Ҳамкорлик тўғрисида гапирадиган бўлсак, сизларга шароит яратиб беришимиз, Ўзбекистон мухбирлари, муҳаррирларимиз қандай ҳуқуқларга эга бўлса, сизлар ҳам худди шундай ҳуқуққа эга бўлишингиз керак. Мана шу аҳду қароримизни шартнома билан расмийлаштириб қўйсак, яхши бўларди. Раҳбарларингизга менинг фикрларимни етказинг. Ўзбекистон тўғрисида ёзмоқчи, бизга ёрдам бермоқчи бўлсангиз, сизлар учун қўлимдан келган барча ишни қилишга тайёрман.

«Озодлик» радиосининг Тошкентдаги мухбири ва Тошкентдаги мухбирлик бюроси бошлиғи Фурқатбек Президент жаноблари билан савол ва мурожаат қилди:

- Ҳурматли Президент жаноблари, Сизни матбуотда кўпинча прагматик сиёсатчи деб аташади. Сиз Тожикистон ва Афғонистондаги масалалар ҳақида кўп гапирасиз ва бу баъзиларга эриш ҳам туюлиши мумкин. Бироқ яқинда Тожикистондан Ўзбекистон ҳудудига келиб тушган снаряд ва унинг инсоний талафотларга сабаб бўлгани Сизнинг бу ҳақда билдирадиган ташвишларингиз асосли эканини кўрсатди. Ана шулардан келиб чиқадиган бир саволим бор эди. Сиз ҳеч қачон Ўзбекистонда авторитар бошқарув усули жорий қилинганини рад этмагансиз ва Ўзбекистонда барқарорлик ҳамда тинчликни таъминлашда, эҳтимол, бу бошқарув ўзини оқлагандир ҳам. Лекин Сиз ҳозиргина тилга олган одамлардаги қўрқув, масъулиятни ўз зиммасига олмаслик Сизни ёлғиз қилиб қўймаяптимикин?

- Қандай тизим ёки қандай тартибни авторитар тизим деб аташ мумкинлиги ҳақида, қандай хусусиятларга эга, қандай талабларга жавоб берадиган тизимни авторитар тизим деб аталиши ҳақида жуда кўп мубоҳаса юритиш мумкин. Аммо озгина қаттиққўллик бўлса, дарров авторитар тизим деб гапирадилар. Шунинг учун бу масала бўйича сиз билан баҳслашишга тайёрман. Умуман айтганда, прагматик деганда, бу ҳаётга қараб, бугунги ҳаётга қараб, керак бўлса, бир қадам эмас, икки қадам олдинни кўриб, вазиятни чуқурроқ англаб, қаттиқроқ бир қарорга келсангиз, одамларга ёқмайди. Бирон жойда, дунёнинг бирон чеккасида мана шундай қаттиққўллик билан яхши мақсад учун, ёруғ ҳаёт учун, одамларнинг ҳаётини ҳимоялаш учун, бева-бечораларнинг бошларини силаш учун мана шундай сиёсат юритилса-ю, унинг номини авторитар сиёсат деб айтишса, айтинг, қайси тоифага ёқади? Умуман қаттиққўллик қайси тоифага ёқади? Лекин мен ҳар доим бир нарсани айтаман, раҳбар қаттиққўллик кўрсатиши мумкин, лекин адолатни йўқотмаслик керак. Шунинг учун авторитар тизим тўғрисида гапирилганда, шуни унутмаслик керакки, қаттиққўллик бошқа, адолатсизлик бошқа. Қаттиққўллик бўладики, одамзот учун, инсон манфаати учун амалга оширилади - адолатни йўқотмасдан, адолатни мақсад қилиб. Бу қаттиққўлликни авторитар дейсизми, бошқа дейсизми, бу авваламбор инсон учун, жамият учун қилинган иш. Такрор айтаман, бу борада зинҳор адолатни йўқотмаслик керак.

Мен доим айтаман: тасаввур қилингки, бирор жамоа ёки корхона оқсоб ётибди, даромади йўқ, маош беришга қурби йўқ, одамларнинг аҳволи чатоқ, раҳбар эса қаттиққўллик қилиб ҳеч кимга ёмон кўринишни истамайди. Амир Темур бобомиз айтганидек, қатъиятсиз мингта одамдан битта қатъиятли, ишбилармон, азму шижоат эгаси бўлган тадбиркор одам афзал. Агар шу фикрни инобатга олсак, корхонага охир яхши раҳбар келадию тартиб ўрнатиш учун мажбур бўлади қаттиққўлликни ишлатишга. Дангасаларни ҳайдайди, қолганларини, керак бўлса, саккиз соат эмас, ўн соат ишлатиб жамоасини оёққа турғазади. Вақти-соати келади, одамлар унга раҳмат дейди. Вақти-соати келади, одамлар маошини олганда, уй-жой қурганда, болаларининг тўйини ўтказганда келиб шу қаттиққўл раҳбарга раҳмат дейди.

Мен бу гапларни айтишимдан мақсад шуки, кўп одамлар менга мана шундай айб қўяди. Шу нуқтаи назардан қараганда 1990 йилни эсланглар. Биз қандай жарлик олдига келиб қолган эдик. Фарғона фожеаси, Бўкадаги фожеалар, Сирдарёдаги, Ўшдаги фожеалар... Бу тўғрида жуда кўп гапириш мумкин. Кўз ўнгингизга бир келтиринг: вазият умуман беқарор, эски тузум, эски тартиблар емирилган, янгиси ҳали шаклланмаган, одамлар ишсиз қолган, далада ҳеч нарса йўқ... Агар мана шу йўлдан кетаверсак, фараз қилингки, кўпи билан ярим йилга етар эди. Ундан кейин хонавайрон бўлардик. Шунинг учун яна бир бор айтаман: бир вақтлар юртимизда қонли воқеалар рўй берганда, шундай ҳам бўлдики, Андижоннинг йигитлари ғазаб билан Ўш чегарасига бориб, у томонга ўтамиз, қирғизларни сўямиз, деганлар ҳам бўлган. Шунда биз одам юборib, «Эй барака топгур, бу йўл нотўғри, эртага бунинг давоми бўлади, қирғин бўлади, бунинг қайтиши бор», - деган гапларни айтиб, уларни тўхтатганмиз. Ҳатто уларнинг баъзиларига қаттиқроқ муомала қилишга ҳам тўғри келган. Орадан озгина вақт ўтгандан кейин, мен бориб шу вилоятларда ўша одамлар билан учраштим. «Қани, айтинглар, ўша пайтда тўғри қилганмизми ёки нотўғри қилганмизми?», деб сўраганимда, ҳаммаси бошини эгиб, юзимга қарай олмади.

Агар ўшанда уларни қўйиб юборсак, майли, битта-иккитасини ўлдирар эди. Лекин бир-бирига яқин бу икки вилоят бир-бирига қарама-қарши бўлиб, эртага икки мамлакат - энди мустақил бўлаётган Қирғизистон - Ўзбекистон тўқнашувига айланиб кетса, кимга маъқул бўларди? ... Бу фитнани ташкил қилган КГБнинг одамларигами?!

Қаттиққўлликни авторитарлик билан бир-бирига тенг қўйиш, албатта, нотўғри. Мана, сиз яқиндагина бўлган воқеаларни эсладингиз . Гарчи битта одам ўлган бўлса-да, у ҳам инсон. Тожикистондаги ёки айтайлик, бошқа ҳудудлардаги беқарорлик шунга олиб келмайдими?! Беқарорлик деганим шуки, ҳар бир инсон, ҳар қайси одам ўзи сайлаган, ўзи ишонган ҳокимиятга катта умид билан қарайди, барака топгур, менга нон топиб беролмасанг, ҳеч бўлмаса ҳаётимни, бола-чақамни ҳимоя қиларсан, деб умид билан қарайди. Агар шу иш қўлидан келмаса, у қандай ҳокимият?! Агар шунга ҳам қодир бўлмаса, ўтирадими ғуддайиб, мен ҳокимиятман, деб.

Албатта, биз Тожикистоннинг ички сиёсатига аралашмаймиз. Нега деганда, бу - тожикларнинг ички иши. Лекин у ерда ўзбеклар ҳам яшайди. Энг ёмони шуки, Турсунзода воқеаларидан фойдаланиб, баъзи собиқ «оға»лар қаерда тўқнашув бўлса, унисининг отаси ўзбек экан, бунисининг онаси тожик экан, деб, ёки тескарисини айтиб, орага қутқу солмоқчи бўлади. Уларнинг телевидениесида ҳам шу гап, матбуотида ҳам. Бундан мақсад нима? Мақсад шуки, икки миллатни бир-бирига қарши гижгижлаш, адоват уруғини сепиш.

Ўзбекларнинг ҳам, тожикларнинг ҳам табиати бир. Қаерда қон тўкилса, уларни тўхтатиб бўлмайди. Шунинг учун ҳар доим мен шуни айтиб турамманки, эй одамзот, ўзингни ушла, аввало қон тўкилмасин, акс ҳолда хунрезликни тўхтатиб бўлмайди. Энг ёмон нарса - аламзадалик, онасининг, отасининг аламини олиш. Шунинг учун битта одам ўлса ҳам, тўртта одам ярадор бўлса ҳам - бу бизлар учун, ўзбеклар учун фожеа.

Эртага уларнинг тарафдорлари ҳам у томонга бориб аччиқ устида бирор ҳаракат бошласа нима бўлади? Яна беқарорлик бўлади, яна Ўшдаги воқеалар такрорланади. Шунинг учун гап нечта одам қурбон бўлганида эмас. Битта одамнинг ўлими ҳам биз учун катта фожеа. Шунинг учун менинг айтадиган гапим шуки, барака топгур, агар давлатингда тартиб ўрната олмасанг, яна бир ўйлаб кўр - сен ҳукуматмисан? Сенинг раҳбарман, деб юришга ҳақкинг борми?

Иккинчидан, чегара дахлсизлиги - бу жуда масъулиятли иш. Чегара деганда нафақат ўз фуқароларингни, балки чегарадош бўлиб яшаётган, ҳеч айби йўқ одамларнинг ҳимоясини, уларнинг тақдирини ҳам ўйлашинг керак. Шунинг учун бундай фожеаларнинг, бундай воқеаларнинг олдини олмасак, бунга кескин баҳо бермасак, огоҳлантириб қўймасак, бу яхши оқибатга олиб келмайди.

- Суҳбатимизнинг шу ўрнида табиий равишда туғилган «Бундай қаттиққўл сиёсат одамларни масъулиятни ўз зиммасига олишдан қўрқитиб қўймайдими?» деган саволга Президент Ислом Каримов жаноблари мана бундай деб жавоб бердилар:

- Одамларнинг қўрқиши, одамларнинг очиқ жавоб беришга тайёр эмаслигининг сабаби менинг қаттиққўллигим эмас. Бунинг сабаби - тарбия. Ҳар доим бизга шундай тарбия бериб келишганки, сен ўйлашинг шарт эмас, сен учун тепадагилар ўйлайди. Сенинг ишинг кетмонни кўтариб, далада ишлаш, пахтани ўстириш. Қолганига райком бор, обком бор. Қашқадарёда ишлаганимда, мени «Обком бобо» дейишар эди. Бир куни битта чол келиб: «Энди хафа бўлманг, сиз бизнинг пошшомиз-да», деди. Давр шунақа эди-да. Мен бекорга бу мисолларни келтираётганим йўқ. Ўша даврнинг «ҳосили»ни ҳозир биз кўриб турибмиз. Яъни обкомни «пошшо» деб эски замонни эслайдиган одамлар ҳали ҳам бор. Яъни шунинг асоратлари ҳали ҳам сезиляпти.

- Агар шу аҳвол, яна ўзингиз айтгандек, эскича тарбия ва тафаккур давом этаверса ва одамлар ўз юртлари ташвишларига масъулиятсизлик ва лоқайдликда қолишни давом эттираверсалар, унда Ўзбекистон келажаги ва Сиз бугун таъкидлаётган юксак мақсад ва вазифалар тақдири нима бўлади?

- Мен ўйлайманки, ҳаётимиз, бугунги моддий аҳволимиз кундан-кунга яхши бўлиб кетади. Нима учун? Биз ўтган мана шу тўрт-беш йилда қурган, барпо этаётган қўшма корхоналар, Япония, Корея ва бошқа жойлардан олиб келган технологиялар, кичик, катта ва ўрта корхоналар ҳаммаси ўз маҳсулини бериши керак. Бунинг ҳисоб-китоби бор. Буларнинг ҳаммаси эртага авваламбор одамларни иш билан банд қилади, иккинчидан, одамларнинг ҳаётини яхшилайди, даромадини кўпайтиради ва умуман турмуш даражасини ўстиради.

Шунинг учун менинг юз фоиз ишончим борки, бизлар орқага эмас, олдинга борамиз. 1996 йил бизлар учун иқтисодий ўсиш даврининг заминини барпо этиш эди. 1997 йилни биз инсон манфаатлари йили деб эълон қилдик. Бунинг ҳам маъноси жуда катта. Яқинда Янги йил-муносабати билан халқимизга йўлланган табрикномада мен инсон манфаатлари йили деган гапнинг мазмунини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Ўйлайманки, ўтган йилнинг якуни февраль бошида Вазирлар Маҳкамасида бўлади. Бу борада ҳам мен тегишли топшириқлар берганман, яъни инсон манфаатлари йили деган гап қуруқ шиор бўлиб қолмаслиги учун 1997 йилда биз қандай тадбирлар белгилаб, ҳаётга тадбиқ қилишимиз керак, режаларимизни қандай қилиб ҳаётга жорий этишимиз керак? Қандай қилсак одамларнинг дастурхони тўкин, турмуши фаровон бўлади? Уларнинг кундалик эҳтиёжлари билан боғлиқ муаммоларни қандай ҳал қиламиз? Бу масалаларни амал курсисида ўтирган одамлар, вазирликлар, умуман бизнинг бошқарув идораларимиз раҳбарлари чуқур ўйлаб кўришлари керак.

Яна бир бор айтаман, мен беш йил давомида биронта қуруқ ваъда берганим йўқ. Агарда сизлар буни кузатиб турган бўлсангиз, айтинглар, қайси пайтда, қачон мен биронта ваъда бериб, ваъдамнинг устидан чиқмадим? Мен ҳамиша бир нарсадан қўрқаман: замон тез ўтар экан, бирор кун келиб, бирорта одам: «Эй оғайни, раҳбар, Президент жаноблари, бир вақтлари шундай ваъда берувдингиз, ваъдангиз нима бўлди?»деб юзимга солмасмикан? Мен бу улкан масъулиятни зинҳор эсдан чиқарган эмасман. Такрор айтаманки, 1997 йил биз учун орқага чекиниш йили бўлмайди. Бу йил биз учун юксалиш, халқимизнинг ҳаётини, унинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш йили бўлади.

Ҳаммамизни Парвардигорнинг ўзи паноҳида сақласин. Мана сизлар Европада, бизлар олис Ўзбекистонда яшаймиз. Лекин нима учундир мен Ватанимга қайтаётганимда, бу ёққа йўл анча узоқ бўлади-ю, қайтиш йўли эса тезроқ ўтадигандек туюлади. Бунинг ёвабаби, назаримда, замон энди биз томонга юз бурмоқда. Қани, мухбир қизим, айтинг-чи, қуёш қайси томондан чиқади?

- Шарқдан.

- Шарқдан чиқади. Сизлар Ғарбда яшаяпсизлар. Шунинг учун замон бизга боқяпти, деганимда ҳар томонлама асос бор, деб ўйлайман. Бизнинг келажагимиз бор. Бир вақтлар мен, Ўзбекистон — келажаги буюк давлат, деб айтганимда, баъзи бир одамлар мана шу «Озодлик» минбарига чиқиб, «Каримов нима деяпти, Ўзбекистон — келажаги буюк давлат, дегани нима ўзи?», деб жар солган, бизга ақл ўргатганлар ҳам жуда кўп эди. Энди бу ғоя бизнинг амалий ишларимиз мезони бўлиб қолди. Биз «буюк» деганда «улуғдавлатчилик» деган маънони эмас, балки халқимизнинг ёруғ кунларини, фаровон ҳаётини, жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллаб олишини назарда тутамиз.

Мана, яқинда «Буюк хизматлари учун» деган янги бир орден таъсис этдик. Мен бу орденни қандай номласак экан, деб кўп ўйладим, кўп китоблару луғатларни варақлаб чиқдим. Бошқа мамлакатларда ҳам шундай орденлар бор. Она тилимизда элу юрт манфаати йўлида қилинган эзгу меҳнатнинг энг маъқул ифодаси, менимча, «Буюк хизматлари учун» деган иборадир. Чиндан ҳам, агар ёзувчими, шоирми, оддий хизматчими, дейлик, маънавият соҳасида ишлайдиган кишиларми, сизларнинг соҳангиздаги қаламкашларми, умуман, ҳалол ва самарали меҳнат қилган ҳар бир инсоннинг Ватан олдида, юрт олдида буюк хизматлари бўлади.

- Мана, азиз тингловчилар, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 15 январь куни Прагада «Озодлик» радиоси ўзбек шўъбаси ходимлари билан ўтказган мулоқоти давомида билдирилган фикр-мулоҳазалари билан ҳам бевосита танишдингиз. Бу мулоқот ҳар бирингизда ўзгача тасаввур, ўзгача мушоҳадалар туғдирган бўлса, ажаб эмас.

Мазкур суҳбатда бевосита қатнашганларнинг таассуротларига келсак, биз бу учрашув ва мулоқотга Ўзбекистон Президентининг демократик ва эркин матбуотга нисбатан самимий эҳтиром ва эътибори, қолаверса, Ўзбекистонда ҳам ана шундай матбуот қарор топтириш ҳақидаги истакнинг собит эканини кўрсатувчи мисол сифатида қарашга мойилмиз.

Зотан, суҳбат давомида изҳор қилинган фикр ва режалар Ўзбекистонда ҳар тарафлама тараққий қилган ва эркин жамият барпо этиш, инсон манфаатлари ва ҳуқуқни ҳимоя қилишни давлатнинг олий сиёсати даражасига кўтариш йўлида республика Президентининг қарори қатъий эканини намоён қилади. Бу қатъиятни қўллаб-қувватлаш ва ўз ҳаётларини ана шу юксакликларга қай даража кўтара олишлик эса халқнинг ирода ва шижоатига боғлиқдир. Агар аксарият фуқаролар Ўзбекистон бугуни ва келажаги, демакки, ўз ҳаётлари ва ўсиб келаётган янги насллар тақдирига лоқайдлик ва масъулиятсизлик билан қарашни давом эттираверсалар, у ҳолда бунинг учун жавобгарлик биринчи навбатда ўз устиларига тушмоғини ҳам унутмасликлари лозим.

Қарс икки қўлдан чиқади. Зотан, давлат бошлиғининг сўзлари қанчалар тўғри ва у қўйётган мақсад ва вазифалар қанчалар улуғ бўлмасин, уларни ҳақиқатга айлантириш бутун халқнинг иймон-измига боғлиқдир.

- Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан бўлган мулоқотимиз давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар, ўртага қўйилган саволлар сизнинг ҳам шуурингизга кўчиб, уларга ҳар бирингиз муносиб жавоб излаш ва уни топишингизга умид қиламиз. Зотан, бундай мулоқотлардан асл муддао ҳам шулдир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга «Озодлик» радиоси ўзбек шўъбасига берган суҳбати учун яна бир бор самимий миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз ва «Озодлик» радиоси билан Ўзбекистоннинг муштарак мақсад йўлидаги ҳамкорлигининг бундан сўнг янги поғоналарига кўтарилиши ва бу каби очиқ суҳбатларнинг ҳали яна кўп бўлишига умид билдириб қоламиз. Бу ҳамкорлик тезда ўз самарасини бериб, «Озодлик» тўлқинларида Ўзбекистон ҳаёти ҳақида ҳақиқатни ифодаловчи маълумот ва шарҳлар кўпайиб қолса, ажаб эмас.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ҲИБСГА ОЛИНДИ

Испания полицияси Интерпол ҳамкорлигида Барселона, Мурсия ва Сарагоса шаҳарларида наркотик моддалар билан савдо қилаётган 40 нафар кишини ҳибсга олди.

Текширув чоғида уларнинг ёнидан 800 килограмм кокаин топилган.

Бундан сал аввал Барселона шаҳрида ҳам 10 киши қамоққа олинган эди. Ўшанда қонунбузарлар қароргоҳидан 700 килограмм кокаин мусодара қилинганди. Мутахассисларнинг фикрича, «ўлжа»нинг қиймати 110 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ТАЙЁР

Женева шаҳрида қуролланишга қарши халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда Италия ташқи ишлар вазири Ламберто Дини жаҳон ҳамжамиятини пиёда қўшинларга қарши қўлланиладиган мина ишлаб чиқаришни тақиқлашга ундади.

Шунингдек, у Италия ҳукумати мазкур миналарни ишлаб чиқариш, сақлаш ва улар билан савдо қилишни тақиқловчи қонунлар лойиҳасини тайёрлаётганини маълум қилди.

ҚИШ ҚАТТИҚ КЕЛДИ

Японияда бу йилги қишнинг қаттиқ келиши ҳаммани хавотирга солиб қўйди.

Мамлакатнинг кўпгина ҳудудларида ёққан қалин қор автомобиль магистраллари фаолиятини тўхтатиб қўйди. Хиросима халқаро аэропорти эса вақтинча ёпиб қўйилди.

Маълумотларга кўра, бир миллионга яқин япон аҳолиси об-ҳавонинг кескин ўзгариши оқибатида маълум даражада зарар кўрган, икки нафар мактаб боласи эса автомобиль тўқнашувидан ҳалок бўлган.

СУРАТДА: Словакия.

РАД ЭТИШДИ

Бир неча кун илгари Шимолий Кореядаги оммавий ахборот воситаларида Германия ушбу мамлакат ҳудудига 200 минг баррел радиоактив моддалар қолдиғини жойлаштиргани тўғрисида хабарлар тарқалганди.

Германиянинг Шимолий Кореядаги элчихонаси масъул ходимлари бу ахборотни муглақо ҳақиқатга тўғри келмайдиган бўҳтон, дея изоҳладилар.

Лекин, элчихона ходимлари «бу ишга собиқ ГДР қанчалик алоқадор», деган саволга аниқ жавоб беришмади ва уларга фақат «Германия бирлашганидан кейин бундай воқеа содир бўлмагани маълум»лигини айтишди.

МОЛИЯВИЙ НАЙРАНГЛАР

Германиялик машҳур теннисчи Штеффи Графнинг отаси -- Петер Граф солиқ тўламаслик мақсадида қизи теннис ўйнаб топган кўп миллионли пулни яширгани учун 3 йилу 9 ойга қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Беш ойга чўзилган судлов натижасида П. Графнинг айбини очиб берган Мангеймаб шаҳар суди бу билан чекланиб қолгани йўқ. Штеффининг отаси уюштирган молиявий найранглар шериклик қилган ва бу борада қимматли маслаҳатларини аямаган Йоаҳим Экартдтнинг ҳам айби фош этилди ва у 2,5 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Й. Экардт теннисчининг молиявий маслаҳатчиси эди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 28 январдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: *)

1 Австралия доллари	43,32	1 Норвегия кронаси	8,60
1 Австрия шиллинги	4,88	1 Польша злотийси	18,76
1 Англия фунт стерлинги	91,35	10 Португалия эскудоси	3,42
10 Бельгия франки	16,63	1 Сингапур доллари	39,81
1 Голландия гульдени	30,52	1000 Туркия лираси	0,49
10 Греция драхмаси	2,18	1 Финляндия маркаси	11,55
1 Дания кронаси	8,99	1 Франция франки	10,16
1 БАА дирхами	15,26	1 Швеция кронаси	7,76
1 АҚШ доллари	56,04	1 Швейцария франки	39,73
1 Миср фунти	16,51	1 ЭКЮ	66,49
1 Ирландия фунти	89,80	10 Жанубий Корея вони	0,66
1 Исландия кронаси	0,81	10 Япония иенаси	4,70
10 Испания песети	4,07	1000 Россия рубли	9,98
100 Италия лираси	3,52	1 Украина гривнаси	29,59
1 Канада доллари	41,67	1000 Беларусь рубли	2,72
1 Хитой юани	6,76	1 Эстония кронаси	4,42
1 Кувайт динори	185,81	1 Латвия лати	98,49
100 Ливан фунти	3,63	1 Литва лити	14,01
1 Малайзия риггити	22,51	1 Қозоғистон тенгеси	0,74
1 Германия маркаси	34,28	1 Қирғизистон соми	3,26

*) валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ОҚ ЙЎЛ, «СУҲБАТДОШ»!

Наманган вилоятида нашр этилаётган газеталар яна биттага кўпайди. «Суҳбатдош» деб номланган бу янги газета ўқувчиларнинг қизиқарли суҳбатдоши бўлиши шубҳасиз.

Таҳририят жамоаси вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни тўлиқ ёритиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шунингдек, газета саҳифаларида замонавий ва ўтмишдаги шоир ва ёзувчилар ижодидан намуналар бериб борилади.

Янги нашрга «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази ҳамда республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимлари муассислик қилди ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлади.

Н. ХЎЖАЕВА,
ЎзА мухбири.

ЯНГИ РУКН: ТАДБИРКОР БЎЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, тарихан қисқа муддатларда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий-маънавий, ҳуқуқий соҳаларда оламшумул ўзгаришлар юз бергани, айниқса, Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ва ўзига мос ўринни эгаллаб олгани, унинг обрў-эътибори эса кун сайин ўсаётгани ҳаммамизни қувонтирмоқда.

Ўтган давр мобайнида сизу биз республикамизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг дастлабки, энг қийин, энг оғир босқичини енгиб ўтиб, бугунги кунда тараққиёт ва ривожланиш йўлидан собитқадамлик билан бораяпмиз. Ҳозир олдимизда турган вазифалар эса бундан-да муҳим, кенг кўламли ва масъулиятлидир. Бу вазифалар нималардан иборат? Иқтисодимизда, асосий ва етакчи тармоқларда тузилмавий ўзгаришларга эришиш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бутун имкониятларни, биринчи навбатда меҳнаткашларимизнинг кучини долзарб масалаларга жалб қилиш, ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарасини таъминлаш, пировардида иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш шулар сирасига киради.

Ана шу серқирра вазифаларнинг ижроси нафақат меҳнаткаш, мард ва фидойи халқимизнинг она-юрт келажаги, унинг истиқболи йўлида қилаётган меҳнатию ҳамжиҳатлигига, балки бозор иқтисодиёти моҳиятини, унинг қонунлари ва тамойилларини тўла англаб олишимизга кўп жиҳатдан боғлиқ. Дейлик, мулк нодавлат шаклларга (жамоа, ижара, кооператив, деҳқон (фермер) хўжаликлари, кичик, ўрта ва хусусий корхоналар, акционерлик жамияти) ўтказилди. Мулк шакли ўзгарган бўлса-да, нима учун ҳамма жойда кўзланган натижаларга эришилмаяпти? Чунки иш ҳамон эскича усулда олиб борилмоқда. Чунки мулк эгалари мулкка соҳиблик тушунчасига эга эмас, улар ҳатто ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳам билмайдилар. Механизатор ўзининг «Нексия»сини ювиб, мойлаб асрайди-ю, жамоа тракторига жони ачимайди. Ваҳоланки, ана шу трактор туфайли у оиласини боқади-ку!

Ислоҳот, Президентимиз таъкидлаганидек, энг аввало, одамлар онгидаги янгиланишдир. Агар бизнинг тафаккуримиз эскича қарашлардан халос бўлмас экан, бугунги кун вазифасини ҳар бир замондошимиз онгига, унинг қалбига етказмас эканмиз, туб ўзгаришларга эриша олмаймиз.

Шуни ҳисобга олиб, «Халқ сўзи» газетаси янги — «Тадбиркор бўлишни истасангиз» рукни остида бозор иқтисодиётининг мазмун-моҳияти, унинг қонунлари ва тамойиллари ҳақида, тадбиркорлик ва уни ривожлантириш, ташқи иқтисодий алоқалар, молия-кредит, биржа ва маркетинг фаолияти ҳамда бу соҳаларда кўп учрайдиган атамалар хусусида тушунчалар бериб боришга қарор қилди.

Бугун қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги тушунча билан танишасиз.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ

У нима? Бу саволга иқтисод фанлари номзоди Ислом САЛОМОВ жавоб беради:

-- Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, корхоналарни ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш билан бир қаторда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга, -- деди у. -- Президентимиз таъкидлаганидек, мулкдорлар синфи шаклланишининг манбаи қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш, унга бўлган ишончни мустаҳкамлашдан иборатдир. Бу ишнинг амалга оширилиши, аввало, иқтисодиётдаги икки жараённи -- хусусийлаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш натижасига боғлиқдир. Масалан, акциялар бозорини олиб кўрайлик. Унинг шаклланиши оқибатида пулнинг айланиши тезлашади, унинг қадрсизланиш жараёни эса секинлашади. Шунингдек, қимматли қоғозлар бозорининг кенгайишига, инвесторлар (қимматли қоғозларни харид қилувчилар) ва аҳолининг вақтинчалик бўш пул маблағларидан самарали фойдаланишга, даромад олишнинг янги воситаларини яратишга, иқтисодиётнинг пул маблағларига эҳтиёжманд соҳаларини сармоя билан таъминлашга, энг муҳими эса, муомаладаги пул маблағларини қайта сармоялаш учун унинг самарали ишлатилишига имконият вужудга келади.

Айни чоғда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларини ташкил этиш билан бир вақтда давлатта тегишли акциялар улушини қисқартириш орқали аҳолининг турли табақаларини иқтисодий ислоҳотлар жараёнига жалб этишда муҳим аҳамият касб этади. Энг асосийси, корхоналарнинг ривожланиши учун зарур бўлган, лекин бугунги кунда давлат бюджети ҳисобига сармоялаш имконияти бўлмаган қўшимча молия ресурсларини очиқ бозордан жалб этишга эришилади. Ҳозир айнан шу йўналишда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

-- Пайчи (акционер) қандай ҳуқуқ ва имтиёзларга эга?

-- Бу саволга жавоб бериш учун, аввало, «пай» атамасига қисқача таъриф бериб ўтиш лозим.

ПАЙ (акция)-- ҳиссадорлик жамиятининг Устав фондига (унинг вужудга келиши ёки кенгайишига) юридик ёки жисмоний шахс муайян ҳисса қўшганидан гувоҳлик берувчи, пай эгасининг мазкур жамият мулкидаги иштирокини тасдиқловчи ҳамда унга фойда олиш ва ушбу жамиятни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берувчи, амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли қоғоздир. Пайлар муддати чекланмаганлиги билан аҳамиятлидир. Чунки улар ёрдамида эмитент (қимматли қоғозларни чиқарувчи) учун пул маблағларини узоқ муддатга жалб этиш имконияти яратилади.

Пайлар (акциялар) пайчиларга ҳиссадорлик жамияти фаолиятини бошқариш ҳуқуқини бериши жиҳатидан оддий ва имтиёзли бўлади. Ҳиссадор ушбу корхонанинг оддий акцияларини сотиб олиб, унинг ишлаб чиқариш воситаларига, асосий фондларига, умуман, барча мол-мулкига сотиб олинган акция миқдорида эгалик қилиш ҳуқуқини олади. У энди бошқа ҳиссадорлар билан биргаликда корхонани бошқаришда, унга раҳбар тайинлашда, ишлаб чиқариш фаолиятини яхшилашга оид таклифлар киритишда, хўжалик юритишнинг асосий йўналишларини белгилашда ҳамда корхонанинг маҳсулини, даромади ва фойдасини тақсимлашда бевосита қатнашади. Агар ҳиссадор-пайчи қанчалик кўп акцияларга эга бўлса, у шунчалик кўп овозга, яъни бошқарувда ҳал қилувчи кучга ҳамда даромад олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Имтиёзли акциялар эса унинг эгасига, корхонанинг эришган йиллик иш фаолияти натижаларидан қатъи назар, имтиёзли равишда фойда олиш ҳуқуқини, ҳатто ҳиссадорлик жамиятининг тугатилиш пайтида унинг мулкини тақсимлашда иштирок этиш ҳуқуқини беради. Фойда ҳам биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича тўланади. Унинг миқдори олдиндан белгиланган бўлиб, корхона олган фойда миқдорига бевосита боғлиқ бўлмайди. Бу эса аҳоли ўртасида имтиёзли акцияларга нисбатан қизиқиш ва талабнинг ошишига сабаб бўлади.

-- Одамлар қимматли қоғозлар -- барқарор даромад манбаи эканлигига, тўлов муддати келганда уни ўз вақтида сўзсиз олишлари учун нималар қилиш керак?

-- Биринчи навбатда фойда, фоиз ва бошқа даромадларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш лозим. Шундагина аҳоли ўртасида ушбу бозорга нисбатан ишонч вужудга келади. Натижада фойда учун сарфланган ҳар бир сўмимиз очиқ бозордан қўшимча 10--15 сўм жалб этиш имкониятини яратади.

-- Энди фойда (дивиденд) ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

-- Дивиденд -- акционерлик жамияти фойласининг пай эгаси даромадига айланган қисмидир. Фойда ҳар йили солиқлар тўланиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарур бўлган ажратмалар ажратилгандан кейингина акциядорлар ўртасида уларнинг қўшган улушларига қараб тақсимланади. Дивиденд акциядорнинг ишлаб чиқаришга қўшган ҳиссаси учун тўланадиган мукофот бўлиб, у ҳисса миқдорига мос равишда ўзгариб туради. Бу акциядорнинг ҳақиқий даромадидир.

Дивидендлар ҳар хил, яъни муайян пул миқдори, мазкур жамиятнинг қўшимча тарзда чиқарилган акциялари ва моддий бойликлар кўринишида бўлиши мумкин. Биринчиси -- ҳаммага маълум. Иккинчи ҳолда акциялар номинал қийматда тақдим этилади ва компания ишлари юришиб турган шароитда уларни бозор нархида сотиш йўли билан қўшимча даромад олиш имконияти пайдо бўлади. Учинчи ҳолатда эса дивиденд кўпинча компания ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тарзида тўланади.

Ана шу даромадни кўпайтириш иштиёқи акциядордан ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйиш ва корхонанинг истиқболини ўйлаб иш юритишни талаб этади. Шунингдек, унда эгалик ва мулкдорлик масъулиятини оширади. Бугунги кунда турли пайчилик жамиятлари турлича миқдорда дивидендлар тўламоқда.

«Халқ сўзи» мухбири И. ЎТБОСАРОВ ёзиб олди.

Тойлоқ туманидаги «Жумабозор» ижара хўжалиги боғбонлари дарахтларга шакл беришни якунлаш арафасида.

СУРАТЛАРДА: бош агроном С. Исрофилов, боғбон А. Муродов; «Боғизағон» ижара хўжалиги иссиқхонаси ишчилари Ш. Олимова, М. Воҳидова ўз участкаларида мўл лимон ҳосили етиштиришди.

Н. НУРМУҲАММАД олган суратлар.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ЭСДАН ЧИҚМАС САБОҚ

Навоий шаҳридаги 2-ўрта мактабда «Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифда ҳалоллик ва ростгўйлик талқини» мавзуида тарбиявий соат бўлиб ўтди.

Мактаб ўқитувчиси Руқия Раҳмонова ташаббуси ва саъй-ҳаракати туфайли ташкил этилган бу тадбирда мактаб ўқитувчилари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирок этишди.

Т. ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДАРОМАДГА ЯРАША БУРОМАД

Уйчи туманидаги вилоят «Деҳқонмашсервис» бирлашмасига қарашли автокорхона-ҳиссадорлик жамияти жамоаси эришаётган ютуқлар салмоғи тобора ортиб бормоқда. Жамоа ўз фаолиятини бозор талаблари асосида ташкил этиб ўтган йили деҳқонларга 16 миллион сўмликдан зиёд транспорт хизмати кўрсатди. Олинган соф фойда эса 3 миллион сўмдан ошди.

Ҳиссадорлик жамияти даромадининг ортиб бораётганлиги ижтимоий соҳаларни ривожлантириш имконини бермоқда. Жумладан, яқинда бу ерда муҳташам маиший хизмат кўрсатиш мажмуи фойдаланишга топширилди. Унинг таркибида 100 ўринли ошхона, кундалик эҳтиёж моллари билан савдо қилувчи дўконлар, тикувчилик, этикдўзлик, радио-телевизор таъмирлаш устахонаси, сартарошхона ва халқ банкининг шохобчаси мавжуд.

А. МАДАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

1997 ЙИЛ -- ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

РАҚАМЛАРНИМАС, ОДАМЛАРНИ ЎЙЛАБ

Изинг тарихда қолгур 1996 йил деҳқончиликда сабзибон йил бўлди, пахтабоп бўлмади. Шунга қарамай, мен туғилиб ўсган Полосон қишлоғидаги «Нуробод» жамоа хўжалигида пахта тайёрлаш режаси Олтиариқ туманида биринчи бўлиб бажарилди.

Бу жамоа бошлиғи эса, менинг собиқ мактабдошим. Аввалгилари ҳисобмас, агар шу оғир йилда ҳам маррани кесиб ўтолсаларинг, газетага мақтаб ёзиш биздан бўлсин, деб катта кетиб қўювдим.

Ишимни тупроқнинг пири, ўсимликларнинг табиби сифатида ном қозонган бош ҳосилот Маматожи аканинг кўнглига қўл солишдан бошладим. Зеро, табиатан ҳалол, чўрткесар ва тўғрисўз бу киши ҳосилотликни бошлаганда, шу жамоа раиси Ҳомиджон Турсунов ҳам, биз ҳам ҳали мактаб деворига куйдирги қизларнинг исмини кесакда ёзиб юрган бабачоқлар эдик.

-- Ҳомиджонни ҳамма омадли йигит дейди, -- қўлидаги турли маълумотномаларни этигининг қўнжига тиқиб, дўриллаганича гап бошлади Маматожи ака. -- Унинг омади шундаки, Тангри бу йигитга ортиқча меҳнатдан қочмаслик, эринмаслик, шошилмай мулоҳазалаш қобилиятини берган. Дала кезиб чарчамайди, идоравий фикр юритишга ўрганмаган. Елиб-югуришини кўриб, бошқаларниям ғайрати қўзийди.

Ишончли одамдан «рекомендация»ни олиб бўлдим, энди мақтовдан чўчимасам ҳам бўлар.

Хуллас, ўтган йил хўжалик учун баракали бўлди. Қут-барака чиллаки ҳосил ҳисобланмиш пиллачиликдаги режа 108 фоизга уддаланган палладаёқ нишона кўрсатган эди. Кейин дон ҳам мўл бўлди. Салкам 40 центнердан ҳосил олиниб, мўлжалдагидан қарийб 10 фоиз кўп буғдой топширилди. Пахта ҳосилдорлиги эса гектар бошига 31 центнерданга етказилиб...

Ие, яна ўша эски рақамбозликми? Э, ўрганиб қолганмиз-да. Аммо энди бунақаси кетмайди. Баландпарвоз рақамлар ўз йўлига. Хўш, бундан одамларга қандай наф? Ана шундан келайлик.

-- Ошна, одамларингга нималар бердинг? -- хонада ёлғиз қолганимиздан фойдаланиб, раисни яна «сен»лашга ўтдим.

-- Битта ўзим нимаям қила олардим, -- деб камтарланди ошнам. -- Аввало, қишлоғимиздаги кекса деҳқонлар маслаҳати, туман раҳбарияти кўмаги бизга катта таянч бўлди. Энг муҳими -- Маматожи Ойматов, Лолахон Муродова, Юсуфжон Назиров, Иброҳим Мамажонов, Муҳаммад Мамадалиев, Раҳим Аҳмадалиев, Курбон Рўзалиевга ўхшаган пишиқ мутахассисларимиз, омилкор кишиларимиз бор. Биргаликда ризқ яратиб, борини эл билан баҳам кўриб юрибмиз-да.

Ҳисобчилар хонасига кириб, эл билан нималар баҳам кўрилаётганига қизикдим. Жамоада 1600 нафарга яқин ишчи бор. Уларнинг ўртача иш ҳақи аввалги йилдагига нисбатан 1,9 баравар кўпайган. Уларга ўтган йили 15,5 миллион сўм маош тарқатилди, яна 5,5 миллион сўм ҳақлари бор. Хўжаликда бу қарзнинг бир қисмини пул билан, бир қисмини маҳсулот бериш билан тез орада узиш чоралари кўрилмоқда. Иш ҳақини маҳсулот тарзида олиш ҳеч кимга малол келмайди, аксинча, кўпчилик шу усулнинг тарафдори. Ўтган йили уларга 908 тонна буғдой, 80 тонна пахта ёғи, 10 тонна шоли, 183 бош қўй, 16 минг юмалоқдан зиёд совун, 20 тонна картошка, 7 ярим минг метр тақчил газмол тарқатилди. Уларнинг баҳоси бозордагидан кескин арзон.

Иш ҳақи қарзларидан аллақачоноқ қутилиш мумкин эди. Афсуски, истеъмолчи корхоналар баъзан ўнлаб ойлар давомида пилла, пахта ва бошқа маҳсулотларга пул ўтказиб беролмай келмоқда. Энг ачинарлиси режадан ташқари топшириб қўйилган чигит учун хўжалик олиши керак бўлган тўрт хил маҳсулотни ёғ-мой комбинати ўз вақтида бермай қийнаяпти. Гўё бу моллар бошқаларга ҳам етиб туриши керак эмиш. Ахир бу ерда гап режадан ташқари топширилган чигит, хўжаликнинг қонуний улуши, шахсий бойлиги устида кетяпти-ку. Бошқаларга етмаётган бўлса, марҳамат, сен хўжаликка ўз ҳақини бер, бошқалар хўжаликдан сотиб олишаверсин. Хўжалик ортиқча пахта мойи, кунжара, шўлха ва совунни ҳандакка ташлаб юбормайди, зориқанларга сотиш уларнинг ҳам қўлидан келади. Бу ерда гап бошқа томондалигини наҳотки, биз сезмаётган бўлсак? Мавзу шунга тақалганидан фойдаланиб, айтиб ўтиш жоизки, нафақат Фарғона, бошқа жойлардаги ёғ-мой комбинатларида ҳам ҳукм суриб келаётган, деҳқонлар дастурхонидан баракани учираётган бу бемаъни сансалорчиликни бир зарб билан даф этиш пайти келди...

Маданий-маиший мавзуда гап очиб ўтирмадим. Булар ўзимга маълум, ҳар гал қишлоққа борганимда энг кичик ўзгаришлар ҳам тезда эътиборимни тортади. Масалан, олдинги боришимда, биз ўқиган 13-мактабнинг шундоққина ўнг биқинида жажжи қалъачага ўхшатиб қурилган янги кутубхонани кўриб, қувончим тошган эди. Ҳомиджон китоб шинавандаларидан эмас, лекин айрим жойларда тайёр маданият ўчоқлари ҳам қаровсизликдан нураб бораётган чоғда янги кутубхона қуришга маблағ топганини олимона иш дейиш мумкин.

Янги ажратилган томорқаларни ҳисобга олмаганда, хўжалик ҳудудида газ ва ичимлик сув борасида жиддий муаммо йўқ. Клуб, тўртта чойхона, ўнга яқин сартарошхона, амбулаториялар ишлаб турибди. Кичик туғруқхонаси бўлган, енгилроқ касалларни ётқизиб, даволашга ихтисослаштирилган замонавий амбулатория биноси қад кўтарди. Янги қурилган ҳаммомнинг иситиш ускуналарини жиҳозлаш қолди холос. Қишлоқ стадионини баҳорда ишга тушириш кўзланган. Тикувчилик, этикдўзлик, хом ғишт тайёрлаш цехлари, тегирмон аҳолининг оғирини енгил қилишга озмикўп ярав турибди.

-- Ҳомиджон, одамларга яна нималар бермоқчисан, нималар қурмоқчисан.

-- Президентимиз 1997 йил инсон манфаатлари йили бўлсин, деганларида қилаётган ишларимиз, эришаётган ютуқларимизнинг орқасида турган юзлаб, минглаб одамлар кўзимизнинг олдига янаям яқинроқ келгандек бўлди, -- дея бирдан «масъул қиёфа»га кирди раис. -- Ҳосилдорликни ҳамма соҳада ошириб келяпмиз, бу йил ҳам Яратганнинг паноҳида астойдил меҳнат қилиб, ютуқларимизни янада мустаҳкамлаймиз. Замона зайлини кўриб, тобора кўзимиз очилиб боряпти. Энди кўпроқ маҳсулот етиштиришни ўйлашдан ташқари, кўпроқ фойда олишни қунт билан ўрганишимизга тўғри келяпти. Бундан буёғига одамлар манфаатини асосий кўрсаткичга айлантирамиз. Хўш, йил якунида яна бир гаплашамизми?

-- Гаплашамиз, дўстим, омонлик бўлса, албатта гаплашамиз. Фақат олдиндан огоҳлантириб қўйишим керак, навбатдаги мақолам «бу йил сизларга қандай қулайликлар яратилди, рўзғорингизга нималар қўшилди», деган саволимга қишлоқдошларимиз берадиган жавоб оҳанггида ёзилади. Биламан, бу галги шарт сал оғирроқ...

Анвар ОБИДЖОН.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ

ТАРИХ ВА МАДАНИЯТ

Ўзбекистонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-мафкуравий ўзгаришлар, шубҳасиз, мустақиллик самараларидир. Ана шу тарихий аҳамиятга молик воқеалар айни пайтда ўзбек халқини жаҳонга танитмоқда, мамлакатимиз дунё ҳамжамиятига дадил кириб бормоқда.

Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминлашда қуйидаги вазифалар ҳам гоят аҳамиятлидир, деб ҳисоблаймиз. Биринчиси, мустамлакачиликнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳадаги асоратларидан халос бўлиш, халқимиз онгидаги эскича фикрлаш тарзини йўқотиш, иккинчиси -- мамлакатимизнинг бозор муносабатлари шароитида ривожланишини илмий жиҳатдан асослаган ҳолда мустаҳкамлаш, юртимизнинг халқаро нуфузини оширишдан иборат.

Масалага бундай ёндашув, шак-шубҳасиз, маданият нима, унинг жамият ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, мафкуравий ҳаётида тутган ўрни қандай, инсон ва маданият тушунчаларидаги уйғунликни аниқлашда ўзига хос мезон қай тарзда намоён бўлади, деган кўплаб саволларга жавоб излашни талаб қилади. Бу эса маданият, хусусан ўзбек миллий маданиятини пухта ўрганиш, унинг тараққиёт эволюциясини чуқур таҳлил қилишни тақозо этади. Шу маънода, республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида»ги Қарори мазкур вазифа давлат аҳамиятига молик эканидан далолат беради.

Бугунги кунда тадқиқотчилар, айниқса, маданият назарияси билан шуғулланувчи олимлар олдида турган вазифалардан бири -- миллийлик билан байналмилалликнинг ўзаро нисбатини аниқлашдан иборат. Маълумки, совет даври «назариётчилари» ушбу масалада жуда катта хатога йўл қўйганлари боис миллат ўз маданий тараққиётидаги устивор йўналишларни йўқота борди. «Коммунистик мафкура» тоталитар давлат таркибига кирган халқлардаги миллий ўзлигини англаш жараёнини йўқ қилиш мақсадида маданиятдаги миллийликка зарба бериб, сохта байналмилалчиликни улуғлади. Байналмилаллик деганда эса асосан рус маданиятини кўр-кўрона қабул қилиш тушунилди.

Маданий-маънавий омилларнинг ижтимоий функциясини аниқлаш масаласи ҳам жуда муҳим, илмий жамоатчилик томонидан ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан биридир. Шўро даврида маданият жамият маънавий тараққиётига эмас, мустамлакачиликнинг сиёсий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи кучга айлантирилди.

Янги тарихимизни яратар эканмиз, бунда ўзбек халқининг жаҳон маданияти тараққиётига қўшган ҳиссасини ўрганиш масаласи ҳам жуда муҳимдир. Зеро, икки дарё оралиғида жуда кўҳна ва бой миллий маданият мавжуд. Халқимиз ҳақли равишда фахрланса арзийдиган маданий обидаларимиз, археологик қазилмаларимиз, асориатиқаларимиз, дурдона қўлёзмаларимизни тадқиқ этиш орқалигина биз ўз маданий меросимизни тиклашимиз мумкин.

Туркий халқлар доимо ўзларининг шон-шавкатини миллий маданият, миллий виждон, миллий гурур, миллий ахлоқ билан изоҳлаганлар. Шунинг учун ҳам истилолар ва истибдодларга қўрамасдан ўзбек миллий маданияти ўзига хослигини йўқотмаган.

Буюк ипак йўлида жойлашган бизнинг ватанимиз жаҳон цивилизациясининг бешикларидан биридир. У дунё халқлари савдо-сотиқ ва ҳамкорлик қиладиган макон сифатида шуҳрат қозонган. Ўзбек халқи жаҳон халқлари маданияти чорраҳасида ўз миллий анъаналарини ривожлантириб, дунё маданиятига бетакрор улуш қўшган.

Ўзбекистоннинг янги тарихи ва маданиятини ўрганишда, маданий-маърифий жараёнларни тадқиқ этишда унинг рус ҳамда шўро мустамлакачилик даври билан бевосита боғлиқ эканлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки бу жиҳат Туркистоннинг чоризм истилоси ва октябрь тўнтариши арафасидаги маърифий даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Шўро даври китобларида ўлка аҳолисининг 1917 йилгача ёппасига саводсиз бўлгани тўғрисидаги ёлғон маълумотлар берилган. Бироқ, бу давр ўлкадаги миллий-озодлик ҳаракати туфайли пайдо бўлган буюк ижтимоий кўтарилиш, жадидчилик ҳаракатининг тараққий этганлиги билан таъсифланиши шарт. Кишиларда кучли ижтимоий фаоллик уйғонганлигини эътиборга олиш ва бу жараёнлар Россиядаги бўҳроний ҳаракатлар таъсирида эмас, балки миллий ўзликни англаш туфайли юз берганлигини таъкидлаш жуда муҳимдир.

Ўзбекистоннинг янги тарихини яратишда муҳим методологик асосларидан бири -- шўро сиёсати чор Россияси мустамлакачилик сиёсатининг моҳияти ўзгармаган ҳамда истилочиликка асосланган шакли эканлигини кўрсатишдир. Хусусан, шўро маъмурий-буйруқбозлик тизими аввало «совет маданияти», «шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият»га суянганлигини эътибордан соқит қилмаслик лозим. Мазкур фикр «маданий революция» атамасига ҳам бевосита таллуқлидир. Маълумки, «инқилоб» атамаси эскининг йўқ қилиниши, янгининг вужудга келтирилишини англатади. Шу маънода «маданий революция» атамаси, унинг «назарияси» ва моҳиятини таҳлил этиш мазкур сиёсатнинг бошиданоқ миллий маданиятларни йўқ қилишга бўйсиндирилганлигини кўрсатиб беради.

Ўрганилиши лозим бўлган томонлардан яна бири -- маданият ва маърифатга маблағ ажратишда қолдиқ принципининг пайдо бўлиши ҳамда унинг механизмини тадқиқ этишдир. «Қолдиқ принципи» мамлакатнинг иқтисодий қийинчиликлари туфайли эмас, аслида ғайрли сиёсий мақсадлар йўлида амалга оширилди. Коммунистик мафкурачилар маданият миллатнинг ўзлигини англаш жараёнини тезлатувчи омил эканлигини яхши тушунар эдилар. Бу «принцип»ни ўрганиш маданият ва маърифатдаги йўқотишларнинг сабабини очиб беради. Хусусан, 80-йилларда Франциянда маданият соҳасига давлат бюджетининг 12 фоизи ажратилган бир вақтда, собиқ Иттифоқда бу рақам 0,3 фоизни ташкил этгани фикримизни яна бир карра исботлайди.

Биз юқорида қайд этган фикрлар Ўзбекистоннинг яқин тарихида содир бўлган ўзгаришларни тадқиқ этишнинг ҳамма жиҳатини қамраб ололмаслиги мумкин. Бироқ, уларга эътибор Ўзбекистоннинг янги, ҳаққоний тарихини яратишга маълум маънода кўмак беради, деб ўйлаймиз.

А. МАВРУЛОВ, «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлаш бўйича муаллифлар гуруҳи аъзоси, тарих фанлари доктори. (ЎзА).

ЎЗБЕК ТИЛИ -- ДАВЛАТ ТИЛИ

БУЮК ҚАДРИЯТ

1989 йил 21 октябрда «Давлат тили ҳақида»ги қонун эълон қилиниб, ўзбек тилига илк бор давлат тили мақоми берилди.

Бунга қадар ўзбек тили асосан қишлоқ хонадонларида оддий муомала тили сифатидагина мавжуд бўлган, олий ва ўрта даражадаги мажлислар, уларнинг ҳужжатлари у ёқда турсин, ўзбек тили, адабиёти, маданияти ҳақидаги илмий ишларни ҳам ўзбек тилида олиб бориш, ёзиш тўхтатилган эди.

Ўтган вақт ичида Қонунни амалга оширишда сусткашликлар ҳам бўлганлигидан кўз юмиш мумкин эмас. Чунончи, унинг ҳаётга татбиқ этилиши жиддий назорат қилинмади. Баъзан вазирликлардан қуйи ташкилотларга буйруқ, турли хатларнинг рус тилида келиши давом этаверди. Ёки ҳужжат матнлари рус тилида тайёрланиб, ўзбек тилига шунчаки таржима қилинди.

Юқоридаги каби масалалар пайдо бўлиб қолганлиги Қонуннинг 1995 йил 21 декабрдаги янги таҳririда тўғри баҳоланиб, аниқ мақсад ва вазифалар белгиланди.

Аввало шуни айтиш керакки, Қонуннинг 1989 йилги матнида ҳам, янги матнда ҳам ўзбек тилининг Давлат тили сифатида салоҳиятини мустаҳкамлаш ғояси устивордир. Шунингдек, халқчиллик, миллий манфаат, бошқа миллат вакилларининг тил ўрганиш имкониятлари реал ўз ифодасини топган. Энди, гап янги таҳрирдаги Қонунни собитқадамлик билан ижро этишда. Биринчи навбатда ўзбек тили луғати таркибидан ўрин олган, фан-техниканинг барча соҳаларида, дарслик, қўлланмаларда кенг қўлланиб келинаётган байналмилал терминларни зўрма-зўраки таржима қилишдан қутулиш, уларни ўз маъноси билан сақлаб қолиш зарур. Аслида уларни таржима қилиш билан тил софлигига эришиб бўлмайди. Баъзан матбуот саҳифаларида шундай сўзлар, терминлар қайд қилинадики, уни оддий халқ эмас, балки илмий даражага эга бўлган филологлар ҳам тушунтириб беролмайди. Бизнингча, Атамашунослик қўмитаси тавсия этмаган, фан фойда кўрмайдиган, «қуруқ таржима ўйини»дан иборат бўлган терминларнинг матбуотда қўлланилишига йўл қўймаслик керак.

Иккинчидан, ўзбек адабий тили қоидаларини бузишга йўл қўйиб бўлмайди. Бу ишни чигаллаштиради, холос.

Давлат тили мукаммал ёзув ва имло тизимига эга бўлиши давр тақозосидир. Шунинг учун лотин алифбосидаги ўзбек ёзувига ўтишимизга ҳам сиёсий, ҳам маданий жиҳатдан мустақиллигимизни таъминлайдиган тадбир деб қаралиши мутлақо тўғри бўлади. Лотин ёзувига асосланган ўзбек ёзувининг имло қоидалари ўта амалийлиги ва мукаммаллиги билан ўтмиш имло қоидаларидан ажралиб туради. Бундан янги имло қоидаларида муаммолар йўқ, деб бўлмайди. Бу ёзув ва имло босқичма-босқич амалиётга татбиқ қилиниши жараёнида янада мукаммаллаштирилиб борилиши аниқ. Маълумки, дунё мамлакатлари номлари, машҳур кишиларнинг фамилияси, исми ва тахаллуси, отасининг исми, фан-техникага оид муҳим тушунчаларни биз русча манбалар, русча талаффуз асосида қабул қилганмиз ва ёзувда ҳам русча қонун-қоидаларга асосланганмиз. Эндиликда лотин ёзувида бунга чек қўйишимиз ўринли бўлади. «Herman»ни «Герман», «Phonetik»ни «фонетика» эмас, балки лотин ёзувидан фойдаланаётган мамлакатлар ёзувида қандай ёзилган бўлса, айнан шундай олиш масаласини ўйлаб кўриш ва уни ижобий ҳал қилиш лозим.

Ўйлаймизки, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва маънавий тараққиётида давлат тилининг аҳамияти йилдан-йилга ошиб бораверади.

Самихон АШИРБОЕВ,
Низомий номидаги ТДПИ профессори.



Бухоро туманида жойлашган вилоят физиотерапия шифохонасида шу кунларда юзлаб кишилар даволанишмоқда. Бу сўлим ва шинам масканга нафақат Бухоро вилоятидан, балки республикамизнинг бошқа вилоятларидан ҳам беморлар келиб дарддан фориғ бўлишяпти.

СУРАТДА: физиотерапия бўлими ҳамширалари (чапдан) Амина Султонова, Лола Султонова, катта ҳамшира Мусабия Бақоева ва шифохона бош ҳакими Абдураҳмон Баратов.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

«МУЛОҚОТ» -- МАЪНАВИЯТ ЧАШМАСИ

«Мулоқот»нинг 1997 йилги биринчи сони (январь-февраль) босмадан чиқди.

Журнал иқтисод фанлари доктори Одилжон Олимжоновнинг «Умуммиллийликдан умумбашарийлик сари» мақоласи билан очилади.

Муаллиф юртбошимизнинг истиқлолга эришгандан кейин мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари, маърифий жамият ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш тамойилларига бағишланган тўрт жилдлик асарлари хусусида батафсил, теран фикр юритади. «Ушбу асарлар тўплами ўз салоҳиятига кўра, наинки, умуммиллий, балки бир қатор умумбашарий муаммоларга аниқ ва ишончли жавоб бермоқда, -- деб ёзади муаллиф. -- Зеро, Ислом Каримовнинг жуда кўп ғоялари аллақачон умуммиллий чегараларни ёриб ўтиб, умумбашарий ҳодисаларга айланиб бўлди».

Атоқли файласуф олим Абдулҳай Валиев ва Маъмур Қаҳҳоровнинг «Истиқлол ва истиқбол» мақоласи назарий характерда бўлиб, бугунги тараққиётимизнинг асосий йўналиши қандай бўлиши керак деган масалага ойдинлик киритса, Одамбой Иброҳимовнинг «Мустақиллик ва кадрлар сиёсати» мақоласи истиқлолимиз пойдевори бўлмиш кадрлар масаласига бағишланган. «Жамиятни тубдан ўзгартириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш -- давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимини шакллантиришни, янги кадрлар сиёсатини ишлаб чиқишни ва ҳаётга жорий этишни тақозо этади, -- деб ёзади мақола муаллифи.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йил -- Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг раиси Убайдулла Мингбоев билан «Мулоқот» журнали мухбири суҳбати ана шу муҳим масала ҳақидадир.

«Одил судловнинг асосий мақсади айбдорга жазо тайинлашдангина иборат бўлмай, барча фуқароларни қонунларга ва жамиятда ўрнатилган ахлоқ-одоб қоидаларига ҳурмат билан қараш ҳамда уларга риоя этиш руҳида тарбиялашдан иборатдир», -- деб эътироф этади Олий суд раиси.

Мустақил республикамизда истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ маънавият масаласига жиддий эътибор бериб келинмоқда. Аҳмаджон Эшонқуловнинг «Маънавият тарбияси», Бахтиёр Саидовнинг «Ёшлар -- миллат келажаги» мақолаларида шу кунларда халқимизга сув ва ҳаводек зарур бўлиб турган маънавият масаласи қаламга олинган. Сотимбой Холбоев мақоласида эса истиқлол фидойиси Мунаввар Қорининг тарих ва халқ олдидаги хизматлари холис очиб берилган бўлса, етук адабиётшунос олим Ботир Валихўжаевнинг «Дарёдил аллома» очеркида академик Воҳид Абдуллаевнинг бетакрор ҳаёт ва ижод йўли, инсоний фазилатлари хусусида ҳикоя қилинади.

Алишер Расуловнинг «Халқаро бозор сари йўл», Тўра Норбоевнинг «Марказий Осиё: иқтисодий ҳамкорлик» мақолалари республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни хусусида тўлиқ тасаввур уйготса, ёш, иқтидорли журналист Нигинанинг «Мулоқот»дан ўрин олган мақоласи халқаро иқтисод масалаларига бағишланганлиги билан эътиборга молик.

«Партиямизнинг дастури негизида инсон манфаатлари, унинг орзу-армонлари ўз аксини топган», -- деб ёзади Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг биринчи котиби Атаулла Асанов журнал мухбирига берган интервьюсида. Ўткир Қориевнинг «Абулқосим Замахшарий луғатлари», Шуҳратиддин Сирожиддиновнинг «Алишер Навоий Астрободга нега жўнатилган?», Маматбек Банноевнинг «Хазойин ул-маоний»да қитъалар» мақолалари тарихий манбаларга суяниб ёзилганлиги, мавзуга янгича ёндошилганлиги билан ажралиб туради.

«Маънавият сабоқлари» рукнида берилган Охунжон Safаровнинг «Чор китоб» -- иймон тарбияси» мақоласи муштарийлар томонидан қизиқиш билан ўқилади, деган умидамиз. Зеро, ўтмишда «Чор китоб»сиз мусулмон хонадони бўлмаган. Муаллиф мақолада «Чор китоб»нинг яратилиши тарихи, унинг турли таржима вариантлари хусусида қизиқарли маълумотлар келтирган.

«Мулоқот»нинг биринчи сонидан ўрин олган Зокиржон Қутибоевнинг Ҳазрати Эшон номи билан машҳур бўлган Хожа Аҳрор Валий ҳақидаги «Маънавий қатралар», Мусоқул Усмоновнинг маънавий қадриятларимиз ўқ томири бўлмиш ўзбекона фазилатларга бағишланган «Яхшиликнинг қаноти бор», Абдулла Улуғовнинг «Мурувватли бўлайлик», Иноятулло Сувонқуловнинг «Аламкаш -- Сўфи Оллоёр ижоди» мақолалари ҳам муштарийларни бефарқ қолдирмайди деган умиддамиз.

Шунингдек, журналнинг 1997 йилги илк сонидан «Мулоқот»га мактублар» рукнида Шариф Баратовнинг «Руҳият баркамоллиги», Нишонбой Ҳусановнинг «Темурийлар исмининг маъноси» мақолалари, ҳассос шоир Жонибек Субҳон ва Ғулом Исмоиловнинг янги шеърлари ўрин олган. Сўнгги саҳифалардаги «Мулоқот» дафинаси»да ҳам қизиқарли мақолалар мавжуд.

Ранг-баранг олам

ҚОЙИЛМАҚОМ ХОТИРА

Инсон хотирасининг худди тирик мавжудот каби ўз инжиқлиги бор. Ў арзимас нарсани узоқ йиллар давомида сақлаб юриши ва, аксинча, бир соатгина бурун ёдлаган икки мисрани ёки телефон рақамини эса олишни «рад этиши» мумкин.

Фан эса бир неча юз йилдан буён унинг сир-асрорини тўлиқ очолмай овора. Айни пайтда шундай қойилмақом хотирага эга кишилар борки, ақл бовар қилмайди.

Тарихчиларнинг таъкидлашича, Юлий Цезар ва Искандар Зулқарнайн 30.000 кишилик қўшинларидаги ҳар бир аскарни қиёфасидан таниган. Машҳур Фемистокл ҳам юнонлар пойтахтидаги 20 минг аҳолининг ҳам қиёфасини, ҳам исмини билган.

Гаон исмли кимса бутун умри давомида ўқиган 2.500 китобни ёд билган ва ўша китобларнинг исталган жойидан оғзаки парча ўқиб беролган.

Бундай хотирали кишилар бадиий ижодкорлар орасида ҳам учрайди. Бир ношир франг рассоми Гюстав Дорега манзарали сурат кўрсатиб, ундан нусха чизиб беришни илтимос қилган. Доре суратни олишни унутган, бирок... Эртаси куни унинг айнан нусхасини чизиб келтирган.

Бетховен қулоғи кар бўлгач ҳам мусиқалар ёзган экан. Моцарт бир мартагина эшитган мураккаб пьесани аниқ қайта ёза олган.

Машҳур журналист Шерешевский 20 та рақамли жадвални 35-40 сонияда, 50 та рақамли жадвални эса, 2,5-3 дақиқада ёдлаб қола олган. Бир неча ойдан кейин худди шу сонларни адашмай, тўлиқ қайтара билган. Ўзининг айтишича, рақамларга бир қараб олиб, кўзини юмгач ҳам жадвални кўра билган. Яъни у ўз хотирасига «қараб» рақамларни такрорлар экан. «Ҳатто рақамлар менга образларни эслатади, - дейди у. - «7» - мўйловли киши, «8» - тўладан келган аёл. «87» - эса, тўладан келган аёл ва мўйловини бураётган киши бўлиб кўринади».

Юксак қобилиятли ва доҳий кишиларнинг кўпчилиги ажойиб хотира эгаси бўлишган. Олимларнинг таъкидлашича, қобилият ва хотира даражаси орасида доимо мувофиқлик мавжуд. Лекин шундай кишилар борки, жуда кучли хотирага эга, аммо бирор кашфиёт ёки ўзи ижод маҳсули яратмаган, ва, аксинча, ... ажойиб қобилиятли, машҳур ижодкорлар орасида хотираси чатоқлари ҳам учраб туради. Бундан кўринадики, бир томонлама боғлиқлик йўқ: хотира - талант, талант - хотира.

Инсоният жуда кўп ғаройиб қобилиятларга эга, фақат уни уйғота билиши, секин-аста такомиллаштира бориши зарур. Ўз имкониятларингизни уйғотишдан чўчиманг.

Р. ЁРЛАҚАБОВ тайёрлаган.

ХИВАНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЯШАРАЁТГАН ОБИДАЛАР

Ичонқалъа қадим Хиванинг ноёб дурдоналаридан биридир. Айни кунда бу ерда таъмирлаш ишлари қизғин. Маҳоратли усталарнинг ақл-заковати, ҳассос меҳнати билан асрий обидалар қайта чирой очиб, ўзининг иккинчи умрини яшамоқда.

Четдан қараган кишига Ичонқалъа мукаммал санъат асарини эслатади. Мана, унинг марказий қисмида жойлашган Исломхўжа мадрасаси. Нилий пештоқдаги мармар тахтага битилган арабча ёзувни ҳамроҳимиз, илмий ходим Баҳодир Каримов қуйидагича изоҳлайди:

-- Ушбу сатрларда мадрасанинг қисқача тарихи баён этилган. 1908 -- 1910 йилларда қурилган мазкур обида Исфандиёрхоннинг вазири ва қайн отаси Саид Исломхўжа номи билан боғлиқ. Унинг қурилишига моҳир халқ устаси Болта Ваис ўғли, кошинкор Эшмуҳаммад Худойберган ўғли бошчилик қилишган. Қалъа ҳудудидаги қўҳна минора ҳам айни бир даврда, ўша усталар томонидан бунёд этилган.

Бир-бирига уйғунлашиб кетган мадраса ва минора Ичонқалъа ансамблига алоҳида салобат бағишлаб турибди. Уларнинг кўрку жозибасидан ҳайратга тушмай иложингиз йўқ. Ўз даврининг маърифатпарвари Саид Исломхўжа ушбу хайрли ишга бош-қош бўлганлиги тарихдан маълум. Ў нафақат қурилиш, балки Хивада матбаачилик, почта-телеграф, тиббий хизмат тармоғини кенгайтириш, маданият ва маърифатни ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшган инсондир. Шу боисдан бўлса керак, хиваликлар ўткир ақлидрок қиёфи Исломхўжа номини ҳали-ҳануз ҳурмат билан тилга оладилар.

-- Қўҳна обидалар -- халқимизнинг бебаҳо мулки, -- дейди таъмирловчилар етакчиси Ўктам Раҳмонов. -- Шундай экан, уларнинг қадрига етишимиз, кўз қорачиғидек асрашимиз лозим. Ичонқалъадаги ҳар бир ёдгорлик, ҳар бир ғиштнинг ўз тарихи бор. Уларни таъмирлаш бригадамиз аъзоларига топширилганидан мамнунмиз. Бу, албатта, зиммамизга катта масъулият юклайди. Бригадамиз аъзолари асосан ёшлардан иборат. Уларнинг куч-ғайрати туфайли таъмирлаш ишлари тез ва сифатли амалга оширилмоқда.

Бригадир ҳақ. Етти нафар таъмирловчиларнинг қўлиқўлга тегмайди. Зеро, обидаларга сайқал бериш ғоят нозик ва меҳнатталаб ишдир. Бунда мушоҳададан ташқари теран идрок ва зийраклик ҳам талаб қилинади. 42 ҳужрадан иборат бўлган олди қўш қаватли мадрасанинг меъморий тузилиши ўзига хос. Кираверишда қўҳна масжид қад ростлаган. Мадрасанинг ўртаси -- айвон. Бир туп гужум, беш туп акация дарахти эрта баҳордан қишгача яшнаб туради. Айтишларича, акация дарахти кўчатларини Исломхўжа Россияга борганида олиб келган экан. Собиқ шўро даврида -- 60-йилларда бу мадрасага кўз касалликлари шифохонаси жойлаштирилган эди. Кейинчалик шифохона Урганч -- Хива шоҳ йўли бўйида қурилган янги бинога кўчирилди. Исломхўжа мадрасаси эса «Халқ амалий санъати музейи»га айлантирилди.

Эндиликда бу маскан муқаддас қадамжога айланган. Таъмирлашдан чиққан ҳужраларни кўздан кечиррканмиз, гўё ўтган азиз-авлиёлар руҳи ёнимизда кезиб юргандек эди. Нилий кошинлар, халқ амалий санъати мўъжассамлашган ўймакор эшиклар, ранггин пештоқлар, юксак ўтмиш маданиятидан гувоҳлик беради. Биз ана шу мўъжизани қайта жонлантираётган моҳир усталарга ич-ичдан таҳсин ўқиб, уларнинг номларини ён дафтаримизга қайд этдик: Ботир Маткаримов, Норбек Абдусатторов, Қодирберган Исмоилов, ака-ука Тоҳир ва Ражаббой Маткаримов, Хурсанд Матёқубов...

-- Хива обидалари пишиқпухта қурилганлиги боис, йиллар силсиласига дош бериб келмоқда, -- сўзини давом эттиради Ў. Раҳмонов. -- Қаранг, уларнинг аксарияти ҳали «қилт» этгани йўқ. Биз, таъмирлашга киришишдан аввал ота-боболаримизнинг иш тарзини синчиклаб ўргандик. Қоришма тайёрлаш, ғишт уриш, деворларга пардоз бериш, шунингдек, қадим меъморчиликнинг бошқа нозик сир-асрорларига жиддий эътибор бердик. Ҳатто тупроқ таркиби, сувнинг шўрланиш даражасини ҳам аниқлашга тўғри келди. Ҳозирги кунда таъмирлаш учун зарур бўлган ғиштлар махсус хумдонларда тайёрланмоқда. Раҳматли отам Саидмурод қурувчи эдилар. Хива ёдгорликларини барпо этишда қатнашган Рўзимат арбобдек улуғ усталар ёнида юриб, иш ўрганганлар. Отамнинг ўгит ва маслаҳатлари ҳар қадамда асқотаяпти. Исломхўжа мадрасасини ҳадемай қўлдан чиқарамиз. Навбатда Толиб махсум, Матпонабой, Муҳаммад Амин Иноқ мадрасалари турибди. Айни пайтда кўпгина ҳамкасбларимиз Нуруллабой мажмуида, қўҳна арк ва Ичонқалъа деворлари бўйлаб катта миқёсдаги таъмирлаш ишларини олиб боришмоқда. Хуллас, юбилейгача шаҳримиз янада кўркамлашиб, ўзгача қиёфа касб этади.

А. САФОЕВ, журналист.

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ●

ФИФА ҒОЛИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАДИ

Лиссабонда ўтган йилги футбол мавсумининг энг яхши жамоалари ва футболчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. ФИФА-нинг энг кўп рейтинг очкосига эга бўлган Бразилия терма жамоаси кетма-кет учинчи йилдирки, йилнинг энг яхши терма жамоаси деб топилди.

Бразилияликларни 1996 йилда Европа чемпионлигини қўлга киритган Германия терма командаси ҳам қувиб ўтолмади. Ўтган йилги мавсумда бразилияликлар КОНКАКАФ «Олтин кубоги» мусобақасида муваффақиятли тўп суриб, рейтинг очколарини янада бойитишга эришди. Бу турнирда Бразилия терма жамоаси учта учрашувда ғалаба қозонди ва фақат финалда мексикаликларга 0:2 ҳисобида имкониятни бой берди. Шунингдек, лауреат ўтган йили олтита ўртоқлик учрашувида қатнашиб, унинг тўрттасида ғалабага, Голландия ва Россия терма жамоалари билан ўйинларда эса дурранта (2:2) эришган эди. Бу натижалар бразилияликларнинг биринчи ўринни сақлаб қолишига кифоя қилди.

Африка қитъаси чемпиони Жанубий Африка терма жамоаси эса муваффақиятли ўйинлари билан рейтинг очколарини бойитиб, ФИФА рўйхатида олдинги йилдагига нисбатан 21 поғона юқорига кўтарилди. Бу уларга ФИФА-нинг «Тараққиёт кубоги»ни олиб келди.

Йилнинг энг яхши футболчиларини аниқлашда эса жаҳоннинг 120 та терма жамоаси бош мураббийлари қатнашди. 1995 йилги футбол мавсуми бўйича лауреат бўлган либериялик Жорж Веа бу сафар «кумуш тўп» билан тақдирланди. Ғолиблик эса Испаниянинг «Барселона» клубида тўп сураётган бразилиялик футболчи Рональдиньога насиб этди. Европа чемпионати давомида чиройли ўйинлари билан юртимиз футболсеварларининг ҳам меҳрини қозонган англиялик Алан Ширер эса Веадан сўнг учинчи энг яхши футболчи, деб эътироф этилди.

Шунингдек, ФИФА 1996 йил якунлари бўйича терма жамоаларнинг рейтинг рўйхатини эълон қилди. Дастлабки учликни Бразилия, Германия, Франция терма жамоалари ташкил этди. Футболсеварларимизга яхши маълумки, Ўзбекистон терма жамоаси ноябрь ойида бу рўйхатда 119-ўринни эгаллаб турган эди. Осиё кубоги баҳсларидаги натижалардан сўнг терма жамоамиз 109-поғонага кўтарилди.

Демакки, ФИФА рейтинг рўйхатида янада юқорироққа кўтарилиш учун терма жамоамиз муваффақиятли тўп суришдан ташқари халқаро турнирлар ва ўртоқлик учрашувларида тез-тез қатнашиб туриши лозим бўлади. Марказий Осиё терма командалари ўртасида терма жамоамизнинг юқори ўринни эгаллаб турганлигига сабаб қўшниларимизнинг ҳам халқаро учрашувларда кам қатнашаётганлигидир.

МЕРГАНЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Бруней Султони кубоги учун ўтказилган халқаро турнирда вакилларимиз А. Черепенко, И. Подгаецкий ва И. Кувтериндан иборат терма жамоамиз қувайтликлардан сўнг иккинчи ўринни эгаллади. Биринчи ўринга кўтарилиш учун ҳамюртларимизга бор-йўғи 4 очко камлик қилди.

Яна бир мерганимиз, халқаро миқёсдаги спорт устаси Р. Ямбўлатов эса Таиланд қироллиги кубоги мусобақасида энг юқори натижа кўрсатди. Унинг жамоадошлари ҳам турнирда муваффақиятли қатнашди. Натижада терма жамоамиз бош мукофот соҳиби бўлди.

Р. ЭРМУҲАММАД, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси республика телевидениеси «ТВ-2» дирекциясининг гуруҳ раҳбари А. Очиловга онаси **Мастура ОЧИЛОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Телерадикомпанияси республика телевидениесининг жамоаси телетасвирчи Б. Ғофуровга онаси **ЗЕБУНИСО аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси Ер қаъри давлат эконазорати бошқармасининг бошлиғи А. Азимовга отаси **Азиз АЗИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: А. УСМОНОВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодиёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Тунги муҳарририят 33-10-28. Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев. Навбатчи —Ш. Каримов. Мусаҳҳиҳ —А. Худойқулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 020 40429 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 22.10 123456